БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 123 (1127)
21 ИЮНЬ ШАНБА 1958 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашни тўғри ташкил этиш ва ана шу маҳсулотларга иқтисодий жиҳатдан асосланган нархлар белгилаш—колхоз тузумини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини анча ўстириш, мамлакатимиз аҳолисини зарур озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳаммаси билан ва саноатни хомашё билан мўл-кўл қилиб таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эгадир, деб ҳисоблайди.

Мажбурий тартибда маҳсулот етказиб беришни ва МТСларнинг иши учун натура ҳақи тўлашни бекор қилиш тўғрисида, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашнинг янги тартиби, нарх ва шартлари тўғрисида

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВнинг КПСС Марказий Комитети Пленумида 1958 йил 17 июньда қилган доклади

Ўртоқлар!

Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш масаласи Марказий Комитетнинг февраль Пленумида муҳокама қилинган вақтда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш тартибини ўзгартириш масаласини алоҳида муҳокама қилиш ҳақида истаклар билдирилган эди. Шунга мувофиқ, Марказий Комитет Президиуми ва СССР Министрлар Совети мажбурий тартибда маҳсулот етказиб беришни ва МТСларнинг иши учун натура ҳаки тўлашни бекор қилиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашнинг янги тартиби, нархи ва шартлари тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқдилар ва бу таклифларни Марказий Комитет Пленумининг муҳокамасига қўядилар.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш масаласи ғоят катта аҳамиятга эгадир. Чунки, бу масала ишчилар синфининг, колхозчи деҳқонларнинг, бутун халқимизнинг қаётий манфаатларига дахлдор масаладир. Шаҳар меҳнаткашлари бу масалани тўғри ҳал қилинишидан ғоят манфаатдордирлар, чунки аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан нормал таъминлаб туриш, меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш ҳамда енгил саноатни ва озиқ-овқат саноатини хомашё билан таъминлаш бу масаланинг тўғри ҳал қилинишига боғлиқдир. Бундан колхозчи деҳқонлар ҳам ғоят манфаатдордирлар, чунки қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва уларга белгиланган нархлар системасининг тўғри бўлиши колхоз тузумини мустаҳкамламоқ ва янада ривожлантирмоқ учун, колхозлар экономикасини ўстирмоқ ва колхозчиларнинг ўсиб бораётган талабларини тағин ҳам тўлиқ қондирмоқ учун катта аҳамиятга эгадир.

Коммунистик партия социалистик давлат тараққиётининг ҳамма босқичларида совет социалистик тузумининг мустаҳкам асоси бўлган ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини ишчиллик билан мустаҳкамлаб келди. Ишчилар билан деҳқонларнинг бузилмас иттифоқи мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини тез ривожлантиришни, саноат ва қишлоқ хўжалигини юксалтиришни, меҳнаткашлар моддий фаровонлигини ва маданий савиясини янада оширишни таъминлайди. Ишчилар синфи билан деҳқонлар ўртасидаги тўғри ўзаро муносабатлар асосида шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқалари мустаҳкамланиб боради, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари планли равишда ривожланиб боради, совет жамиятининг маънавий-сиёсий бирлиги мустаҳкамланади, социалистик давлатимизнинг қуввати, халқаро миқёсдаги унинг таъсири ва обрўйи ўса беради.

Ўртоқлар! Партия XX съезди мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг катта программасини белгилаб берди. Партия съезди томонидан қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун курашда совет халқи жуда катта муваффақиятларга эришди. Социалистик саноат барқ уриб ривожланиб бормоқда. Совет Иттифоқи фан ва техниканинг кўп тармоқларини ривожлантиришда эришган ўзининг муваффақиятлари билан бутун дунёни ҳайратда қолдирди. Кейинги йиллар ичида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш анча кўпайди. Меҳнаткашларнинг маданияти ва моддий фаровонлиги тўхтовсиз кўтарилиб бормоқда.

Партия Марказий Комитетининг февраль ва май Пленумларида мамлакатимиз экономикасининг ривожланиб бораётганлиги тўғрисида муфассал маълумотлар келтирилди. Шу сабабли бугун бу хусусдаги маълумотларни яна келтириб ўтиришнинг зарурати йўқ. Фақат шуни уқтириб ўтмоқчиманки, экономикани ривожлантиришда эришган муваффақиятларимиз туфайли халқ хўжалигини тағин ҳам тезроқ юксалтирмоқ учун янги имкониятлар вужудга келтирилди, халқ хўжалигини янада ўстиришнинг ажойиб истиқболлари очилмоқда.

Кейинги йилларда Марказий Комитет партия XX съездининг қарорларига асосланиб, халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларини жадал ривожлантиришга, хўжалик қурилишига раҳбарликни яхшилашга қаратилган бир қанча катта тадбирларни амалга оширди.

Биз саноат ва қурилишни бошқаришни қайта қуриб олдик. Бу қайта қуриш яхши натижалар бермоқда. Техникани тараққий эттириш йўлида янги катта қадам қўймоқ, меҳнат унумдорлигини ошириш суръатларини жадаллаштирмоқ учун ҳозирги вақтда саноатимиз олдида ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришдан иборат жуда муҳим вазифа пайдо бўлди. Кейинги вақтларда Партия ва Ҳукумат муҳим қарорлар қабул қилдилар, уй-жой қурилишининг катта планлари белгилаб берилди ва амалга оширилмоқда. Уй-жой қурилишининг бу планлари муддатидан олдин бажарилади деб айтиш учун ҳамма асос бор.

Партия ва Ҳукумат оғир саноатни ривожлантиришга тинмай эътибор беришни бундан буён ҳам давом эттириб, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш тадбирларини ишлаб чиқилар ва амалга оширмоқдалар. Химия саноатини жадал ривожлантириш тўғрисида Марказий Комитетнинг ўтган Пленумида қабул қилинган, бутун халқимиз қизғин маъқуллаган қарор мана шу тадбирлар орасида биринчи даражадаги аҳамиятга эгадир. Бу қарорни бажариш химия хомашёсидан фойдаланиб, газламалар, пойафзаллар, кийим-кечаклар ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришни кескин равишда кўпайтириш имкониятини беради.

Партия XX съезди аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотларини ҳамда енгил саноат ва озиқ-овқат саноати учун хомашёни мўл-кўл қилиб вужудга келтириш йўлидаги курашга партия ва совет халқини сафарбар қилиб, қишлоқ хўжалигини юксалтириш ишларини тинимсиз ғайрат билан давом эттиришни Марказий Комитетга топширган эди.

Марказий Комитет томонидан қабул қилинган ва ҳаммангизга яхши маълум бўлган сиёсий-иқтисодий ва ташкилий тадбирлар изчиллик билан амалга оширилганлиги туфайли мамлакатимиз кейинги йиллар ичида дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ишида, айниқса чорвачиликни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришди. Илғор колхозлар ва совхозларнинг ташаббуси билан аҳоли жон бошига чорвачилик маҳсулотлари етиштириш жиҳатидан яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш ва ўзиб кетиш вазифасини ҳал қилиш учун умумхалқ ҳаракати авж олиб кетди.

Совет Иттифоқида ва Америка Қўшма Штатларида кейинги йиллар ичида қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти қандай суръатлар билан ўсиб борганлиги тўғрисидаги баъзи бир статистика маълумотларини айтиб ўтишга ижозат берингиз. 1950 йилдан 1953 йилга қадар бўлган тўрт йил ичида қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг ҳар йил ичида ўсиб бориш суръати ўрта ҳисоб билан СССРда 1,6 процентга, АҚШда эса 1,7 процентга баравар бўлган бўлса, кейинги тўрт йил ичида шу маҳсулотнинг ўрта ҳисобда ҳар йили ўсиши Совет Иттифоқида 7,1 процентга етди, АҚШда эса бу ўсиш камайиб, 1,1 процентга тушиб қолди.

Шу маълумотларни таққослаб қараш умуман қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасида ҳам бизда кейинги йилларда СССРнинг асосий иқтисодий вазифасини яъни аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан энг тараққий этган капиталистик мамлакатларга тарихан қисқа муддат ичида етиб олиш ва ўзиб кетиш вазифасини ҳал қилиш суръатлари сезиларлик равишда жадаллашганлигини яққол кўрсатади.

Империалистлар бизнинг хўжалик қурилишидаги муваффақиятларимиздан қўрқмоқдалар, улар, Совет Иттифоқи, жаҳон социалистик лагерининг ҳамма мамлакатлари саноатни, қишлоқ хўжалигини, фан ва техникани янада ривожлантириш соҳасида, халқ фаровонлигини юксалтириш соҳасида жуда катта ишлар қилаётганлиги ҳозирги вақтда капиталистик система учун хавф бўлиб қолди, деб ошкора эътироф қилмоқдалар. Ҳақиқатан ҳам, Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг бу йўлдаги ҳар бир янги муваффақияти социалистик системанинг капитализм системасидан устунлигини кўрсатувчи ёркин далилдир.

В. И. Ленин партиянинг VIII съездида «...биз коммунизм иқтисодий жиҳатдан асосланганидагина уни қадрлаймиз» деб айтган эди. (Асарлар, 29- том, 189-бет). Биз хўжалик қурилишининг буюк планларини амалга ошира бориб, бу билан коммунизмни иқтисодий жиҳатдан асосламоқдамиз, унинг позицияларини бенуқсон мустаҳкамламоқдамиз, халқаро миқёсда унинг жуда катта жозиба кучини кўпайтирмоқдамиз.

«...Биз шундай қилишимиз керакки,—деган эди Владимир Ильич,—чет эллардаги ўртоқларимиз бизнинг кучимизни, биз ўз революциямизда воқелик рамкасидан четга чиқмаётганлигимизни кўрсинлар, биз уларга ҳеч бир шубҳа қолдирмайдиган материал берайлик» (Асарлар, 29-том, 190-бет).

Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси, барча социалистик мамлакатлар марксча-ленинча партиялар раҳбарлигида экономикани ривожлантиришда эришаётган ўзларининг ютуқлари билан ҳақиқатан ҳам капиталистик мамлакатларнинг меҳнаткашларига империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм улуғ ишининг тантанаси учун олиб бораётган курашларида ҳеч бир шубҳа қолдирмайдиган материал бермоқдалар.

Ўртоқлар! Партиямиз саноат соҳасида ҳам, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам катта вазифаларни қўйди. Биз капитализм билан бўлаётган тинч иқтисодий мусобақа йўлидаги янги баланд ғовлардан ҳали ошиб ўтишимиз керак. Бирор ғовдан ошиб ўтмоқчи бўлган ҳар бир киши бунинг учун тайёрланиши лозим.

Биз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида катта вазифалар қўйиб, бутун кучларимизни шу вазифаларни бажаришга сафарбар қилишимиз, зўр ирода ва матонат билан ишлашимиз, омманинг активлигини оширишимиз, шунингдек зарур ташкилий чораларни ҳам кўришимиз керак. Шу билан бирликда биз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тез юксалтирмоқ учун зарур моддий-техника шарт-шароитларини вужудга келтиришимиз лозим.

Социалистик қишлоқ хўжалигимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ва айниқса МТСлар қайта ташкил этилганлиги муносабати билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш масалалари катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Машина-трактор станциялари қайта ташкил этилганлиги қишлоқдаги ишлаб чиқариш соҳасида янги шароит вужудга келтирди. Колхозларга ишлаб чиқариш техника хизмати кўрсатиш формаларигина ўзгариб қолмасдан, шу билан бирга давлат билан колхозлар ўртасидаги иқтисодий ўзаро муносабатлар масалалари, шу жумладан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш масалалари ҳам янгича қилиб қўйилмоқда.

I.

МТСлар қайта ташкил этилганлиги ва колхозларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш тартиби ва шартларини ўзгартириш зарур бўлиб қолганлиги

Қишлоқ хўжалигини янада зўр куч билан юксалтириш вазифаларини ҳал этиш қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш системасини яхшилашнинг аҳамияти ва роли тўғрисидаги ва амалга оширмоқдалар. Химия саноатини жадал ривожлантириш тўғрисида Марказий Комитетнинг ўтган Пленумида қабул қилинган, бутун халқимиз қизғин маъқуллаган қарор мана шу тадбирлар орасида биринчи даражадаги аҳамиятга эгадир. Бу қарорни бажариш химия хомашёсидан фойдаланиб, газламалар, пойафзаллар, кийим-кечаклар ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришни кескин равишда кўпайтириш имкониятини беради.

Партия XX съезди аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотларини ҳамда енгил саноат ва озиқ-овқат саноати учун хомашёни мўл-кўл қилиб вужудга келтириш йўлидаги курашга партия ва совет халқини сафарбар қилиб, қишлоқ хўжалигини юксалтириш ишларини тинимсиз ғайрат билан давом эттиришни Марказий Комитетга топширган эди.

Марказий Комитет томонидан қабул қилинган ва ҳаммангизга яхши маълум бўлган сиёсий-иқтисодий ва ташкилий тадбирлар изчиллик билан амалга оширилганлиги туфайли мамлакатимиз кейинги йиллар ичида дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ишида, айниқса чорвачиликни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришди. Илғор колхозлар ва совхозларнинг ташаббуси билан аҳоли жон бошига чорвачилик маҳсулотлари етиштириш жиҳатидан яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш ва ўзиб кетиш вазифасини ҳал қилиш учун умумхалқ ҳаракати авж олиб кетди.

Совет Иттифоқида ва Америка Қўшма Штатларида кейинги йиллар ичида қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти қандай суръатлар билан ўсиб борганлиги тўғрисидаги баъзи бир статистика маълумотларини айтиб ўтишга ижозат берингиз. 1950 йилдан 1953 йилга қадар бўлган тўрт йил ичида қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг ҳар йил ичида ўсиб бориш суръати ўрта ҳисоб билан СССРда 1,6 процентга, АҚШда эса 1,7 процентга баравар бўлган бўлса, кейинги тўрт йил ичида шу маҳсулотнинг ўрта ҳисобда ҳар йили ўсиши Совет Иттифоқида 7,1 процентга етди, АҚШда эса бу ўсиш камайиб, 1,1 процентга тушиб қолди.

Шу маълумотларни таққослаб қараш умуман қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасида ҳам бизда кейинги йилларда СССРнинг асосий иқтисодий вазифасини яъни аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан энг тараққий этган капиталистик мамлакатларга тарихан қисқа муддат ичида етиб олиш ва ўзиб кетиш вазифасини ҳал қилиш суръатлари сезиларлик равишда жадаллашганлигини яққол кўрсатади.

Империалистлар бизнинг хўжалик қурилишидаги муваффақиятларимиздан қўрқмоқдалар, улар, Совет Иттифоқи, жаҳон социалистик лагерининг ҳамма мамлакатлари саноатни, қишлоқ хўжалигини, фан ва техникани янада ривожлантириш соҳасида, халқ фаровонлигини юксалтириш соҳасида жуда катта ишлар қилаётганлиги ҳозирги вақтда капиталистик система учун хавф бўлиб қолди, деб ошкора эътироф қилмоқдалар. Ҳақиқатан ҳам, Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг бу йўлдаги ҳар бир янги муваффақияти социалистик системанинг капитализм системасидан устунлигини кўрсатувчи ёркин далилдир.

В. И. Ленин партиянинг VIII съездида «...биз коммунизм иқтисодий жиҳатдан асосланганидагина уни қадрлаймиз» деб айтган эди. (Асарлар, 29- том, 189-бет). Биз хўжалик қурилишининг буюк планларини амалга ошира бориб, бу билан коммунизмни иқтисодий жиҳатдан асосламоқдамиз, унинг позицияларини бенуқсон мустаҳкамламоқдамиз, халқаро миқёсда унинг жуда катта жозиба кучини кўпайтирмоқдамиз.

«...Биз шундай қилишимиз керакки,—деган эди Владимир Ильич,—чет эллардаги ўртоқларимиз бизнинг кучимизни, биз ўз революциямизда воқелик рамкасидан четга чиқмаётганлигимизни кўрсинлар, биз уларга ҳеч бир шубҳа қолдирмайдиган материал берайлик» (Асарлар, 29-том, 190-бет).

Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси, барча социалистик мамлакатлар марксча-ленинча партиялар раҳбарлигида экономикани ривожлантиришда эришаётган ўзларининг ютуқлари билан ҳақиқатан ҳам капиталистик мамлакатларнинг меҳнаткашларига империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм улуғ ишининг тантанаси учун олиб бораётган курашларида ҳеч бир шубҳа қолдирмайдиган материал бермоқдалар.

Ўртоқлар! Партиямиз саноат соҳасида ҳам, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам катта вазифаларни қўйди. Биз капитализм билан бўлаётган тинч иқтисодий мусобақа йўлидаги янги баланд ғовлардан ҳали ошиб ўтишимиз керак. Бирор ғовдан ошиб ўтмоқчи бўлган ҳар бир киши бунинг учун тайёрланиши лозим.

Биз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида катта вазифалар қўйиб, бутун кучларимизни шу вазифаларни бажаришга сафарбар қилишимиз, зўр ирода ва матонат билан ишлашимиз, омманинг активлигини оширишимиз, шунингдек зарур ташкилий чораларни ҳам кўришимиз керак. Шу билан бирликда биз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тез юксалтирмоқ учун зарур моддий-техника шарт-шароитларини вужудга келтиришимиз лозим.

Социалистик қишлоқ хўжалигимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ва айниқса МТСлар қайта ташкил этилганлиги муносабати билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш масалалари катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Машина-трактор станциялари қайта ташкил этилганлиги қишлоқдаги ишлаб чиқариш соҳасида янги шароит вужудга келтирди. Колхозларга ишлаб чиқариш техника хизмати кўрсатиш формаларигина ўзгариб қолмасдан, шу билан бирга давлат билан колхозлар ўртасидаги иқтисодий ўзаро муносабатлар масалалари, шу жумладан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш масалалари ҳам янгича қилиб қўйилмоқда.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА).

Ўртоқ Петр Николаевич ПОСПЕЛОВГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети Коммунистик партиянинг ва Совет давлатининг атоқли арбоби бўлган Сизни олтмиш ёшга тўлган кунингизда самимий табриклайдилар.

Қадрли Петр Николаевич, Сизнинг кўп йиллар сиҳат-саломат бўлишингизни ҳамда улуғ Ватанимиз, совет халқи бахт-саодати йўлида, коммунизм ғалабаси йўлида янада самарали ишлашингизни чин кўнгилдан тилаймиз.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ П. Н. Поспеловга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш тўғрисида

КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат ва КПСС Марказий Комитетининг Секретари Ўртоқ П. Н. Поспелов олтмиш ёшга тўлганлиги муносабати билан ҳамда унинг Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматларини тақдирлаб, Ўртоқ Петр Николаевич **Поспеловга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони** унвони берилиб, **Ленин** ордени ҳамда **«Урок ва Болга»** олтин медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1958 йил 19 июнь.

Н. С. ХРУШЧЕВ ЮГОСЛАВИЯ ЭЛЧИСИ В. МИЧУНОВИЧНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев 1958 йил 19 июнда Югославия Федератив Халқ Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси В. Мичуновични унинг илтимосига мувофиқ қабул қилди ва у билан суҳбатлашди. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон КП Фарғона область, Ленинград район комитетининг секретари Насриддин Охунов туғилган кунига 50 йил тўлганлиги муносабати билан, узоқ йиллар давомида ва самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Ўзбекбирлашув правлениеси раисининг ўринбосари Павел Петрович Кириленко туғилган кунига 50 йил тўлганлиги муносабати билан, узоқ йиллар давомида ва самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

НЕПАЛ КОРОЛИ ВА ҚИРОЛИЧАСИ СССР БУЙЛАБ ҚИЛГАН САЕҲАТИДАН МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИЛАР

Непал короли Махендра Бир Бикрам Шоҳ Дева ва королича Ратна Рожия Лакшми Дева Шоҳ Совет Иттифоқи бўйлаб қилган саёҳатларидан 20 июнда Москвага қайтиб келдилар. Улар Киевда, Сталинградда, Сочида, Ереванда, Тбилисида бўлдилар.

Миллий кенгаш аъзоси Арун Шамшер Жанг Баҳодир Рана, Шамбху Бикрам Шоҳ жаноблари ва бошқалар ҳам король ва королича билан бирликда Совет Иттифоқи пойтахтига келдилар.

Меҳмонлар билан СССР бўйлаб саёҳат қилган СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Ш. Р. Рашидов, СССР Олий Совети Миллатлар Совети Раисининг ўринбосари К. Кондучалова ва бошқа расмий шахслар ҳам пойтахтга қайтиб келдилар. (ТАСС).

ЕР УЧИНЧИ СУНЪИЙ ЙЎЛДОШИНИНГ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА

Учинчи сунъий йўлдош 20 июнь эрталаб соат 6 га қадар Ер атрофини 485 марта айланиб чиқди.

Ҳаво очиқ булутсиз бўлганда учинчи сунъий йўлдошни ва уни учирган ракетани эрталаб қуёш чиқиши олдидан шимолий кенглигининг 41 градусидан 48 градусигача ҳамда кечкурун қуёш ботгандан кейин жанубий кенглигининг 56 градусидан 64 градусигача визуал кўриш мумкин. (ТАСС).

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ докладининг давоми

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

маҳсулотларини тайёрлаш ишини кўп даражада бюрократлаштириб юборди. Тайёрлаш органларида маҳсулот топширувчиларга мажбуриятларни кўчириб бериш на квитанциялар ёзиб беришнинг ўзи билангинг ўн минглаб киши овора бўлиб қолди, бу кишилар ҳеч қандай моддий маҳсулот яратиб бермас эдилар, аммо уларни сақлаш учун, ҳатто тайёрлаш аппарати қисқартирилганидан кейин ҳам давлатнинг жуда кўп маблағи сарф бўлмоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, дон, картошка ва бошқа баъзи маҳсулотларни тайёрлашнинг амалдаги тартибида колхозлар маҳаллий шароитдан қатъий назар, шу маҳсулотларни давлатга қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаш ишига баъзан зиён етказиб ва энг муҳим тармоқларни ривожлантиришни сусайтириб бўлса ҳам, топшириб туришга мажбурдирлар.

Маълумки, масалан, Болтиқ бўйи республикалари, РСФСР нинг ғарби-шимолий областлари ва бошқа бир қанча районлардаги табиий-иқтисодий шароитлар чорвачиликни ривожлантиришни, картошка ёки техника экинлари етиштиришни ривожлантириш халқ хўжалиги учун манфаатли бўлгани ҳолда, шу районлардаги колхозлар маҳсулотни мажбурий етказиб бериш ва натура ҳақи тўлаш тартибида давлатга дон топшириб боришлари лозим эди.

Ғарчи бу районларга дон тайёрлаш планлари ҳар йил белгиланиб турган бўлса ҳам, аммо ҳақиқатда колхозлар давлатга дон ўрнига чорвачилик маҳсулотлари топшириб турдилар. Масалан, Латвия ССРда 1957 йилда пландаги 93 минг тонна дон ўрнига колхозлар ҳақиқатда фақат 18 минг тонна дон топширдилар ва қолган дон эвазига 75 минг тонна ёки планнинг 81 проценти миқдорида чорвачилик маҳсулотлари топширдилар.

Тайёрлаш формаларининг кўплиги нархларга ҳам таъсир қилмаслиги мумкин эмас эди. Тайёрлашнинг у ёки бу формасига мувофиқ маҳсулот нархлари ҳам белгиланар эди, аммо кўпинча бу нархлар иқтисодий жиҳатдан етарлик равишда асосланмаган бўлар эди.

Маҳсулот тайёрлашнинг кўпайиб кетган формаларидан воз кечиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва хомашёни давлат йўли билан тайёрлашнинг ягона формасига ўтиш вақти келди. Колхозлар мустаҳкамланиб борган, улар ривожланиб борганиклари натижасида уларнинг жамоат хўжалигида чуқур сифат ўзгаришлари рўй берган ҳозирги замон шароитида маҳсулотларни мажбурий етказиб беришни бекор қилиб, колхозларнинг маҳсулотларни давлатга мамлакат зоналари бўйича табақалаштирилган ягона нархлар билан сотишига ўтиш учун имкониятлар етилди.

Шу билан бирликда давлатни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашда колхозларнинг қатнашиш даражасини тагин ҳам тўғрироқ белгиламоқ учун бундан буён ҳам колхозларда давлат томонидан тайёрланадиган асосий маҳсулотларнинг, жумладан, дон, картошка, гўшт, сут, жун ва тухумнинг ҳажмини гектар бошига ҳисоблаш принципини давом эттириш зарур. Шунингдек, хўжаликнинг у ёки бу тармоқларини ривожлантиришда вужудга келган ихтисослашишга мувофиқ колхозларнинг мазкур маҳсулотларни давлатга топшириш нормаларини тагин ҳам кўпроқ табақалаштириш керак.

Пахта, қанд лавлаги, зигир, конопля, тамаки ва бошқа шулар сингари баъзи техника экинларига келганда айрим ўртоқлар бу экинларнинг маҳсулотларини контрактация тартибида тайёрлаш давом эттирилсин деб таклиф қилмоқдалар. Лекин бу масалани синтиқ, муҳокама қилиб, нимаси билан маслаҳатлашиб кўрайликчи, тайёрлаш тартиби қайта қурилиши муносабати билан контрактация тартибини сақлаб қолиш керакмикин?

1953 йилдан 1957 йилга қадар бўлган давр ичида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш кўпайди, картошка, қанд лавлаги, зигир, гўшт, сут, жун, тухум тайёрлаш айниқса анча кўпайди.

Маълумки, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлашнинг 1958 йил плани тасдиқланиб, колхозларга ва совхозларга юбориб қўйилди. Ғалла ва бошқа экинлар ҳосили яхши бўлиши очиқ кўриниб турган, қанд лавлаги экилган майдонлар ҳам айниқса кенгайтирилган ҳозирги шароитда тайёрлаш планини кўпайтириш масаласини қўйишимиз учун асослар бор. Мамлакатнинг шу кунги эҳтиёжларинигина таъминлаб қолмаслан, шу билан бирга зарур резервлар ҳам вужудга келтириш учун бу йил дон, қанд лавлаги, мойли экинлар ҳосили ва чорвачилик маҳсулотларини кўпроқ тайёрлаш вазифасини қўйиш учун бизда ҳамма имкониятлар бор.

1959 йил ва ундан кейинги йиллар учун маҳсулот тайёрлаш давлат планларини белгилаш вақтида давлатнинг у ёки бу маҳсулотга бўлган ва ўсиб бораётган эҳтиёжларини ҳисобга олиб, тайёрланган ҳамма маҳсулотларнинг эришилган миқдорига қараб иш кўриш керак деган таклиф бор. Маҳсулот тайёрлаш планларини белгилаётган вақтда хўжаликлар ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг ҳажмини ва шу маҳсулотларнинг товар қисмини ҳисобга олиш зарур. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг янада ўсиб бориши шунга олиб келадики, давлат маҳсулотларни планли равишда тайёрлаш тартибида озуқа маҳсулотлари билан аҳолини, хомашё билан саноатни ўз вақтида таъминлаб турмоқ учун зарур резервлар вужудга келтирмоқ ва бошқа умумдавлат эҳтиёжларини қондирмоқ, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархларини тартибга солиб турмоқ учун товар маҳсулотнинг фақат бир қисмининигина харид қиладиган бўлиб қолади.

Маҳсулот тайёрлашнинг бундай тартибида колхозлар маҳсулотнинг анчагина қисмини колхоз бозорида сотиш учун каттароқ имкониятларга эга бўлиб қоладилар, бундай шароитда давлат томонидан сотилаётган моллар етарлик миқдорда мавжуд бўлган вақтда колхоз бозоридаги нархлар чакана нархлардан пастроқ бўлиши лозим ва яқин келгусида, ҳеч шубҳасиз, ҳақиқатан шундай бўлади. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг ҳар 100 гектарига ҳисоблаганда етиштириладиган ялпи ва товар маҳсулотни кўпайтириши кўзда тутиб, мамлакатдаги турли зоналарнинг ихтисослаштиришни ҳисобга олган ҳолда, шу зоналар учун яқин йилларга мўлжалланган перспектив план ишлаб чиқиш керак.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кенг равишда ихтисослаштирганлиги очиқ кўриниб турган айрим республикалар ва областлардаги колхозларнинг шу колхозларда етиштирилиши энг рационал бўлган маҳсулотларни давлат томонидан харид қилиш ҳажмини 1959 йилдан бошлаб кўпайтириш ва шу колхозларни мазкур районлардаги иқтисодий шароитга кўра товар маҳсулида етиштириш манфаатли бўлмаган маҳсулотларнинг айрим турларини давлатга топширишдан озод қилиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Масалан, ғалланинг асосий қисми Козогистон, Ғарбий Сибирь, Волгабўйи, Зауралье ва мамлакатнинг бошқа бир қанча районларида тайёрланиши лозим, чунки бу районларда дон етиштириш қулайроқ бўлиб, унинг таннархи ҳам пастроқдир. Муттасил мўл ҳосил олиб келаётган галлакор районлар бўлиб қолган Украина ССР, Шимолий Кавказ, Марказий-қора тупроқ зона ва бошқа районлардаги колхозлар ва совхозлардан бундан буён ҳам дон етиштириш давлат томонидан белгиланган тайёрлаш нархлари билан давлатга сота беришлари мумкин.

Картошка ва сабзавот етиштириш ва тайёрлаш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Картошка-сабзавот хўжалигини тагин ҳам рационалроқ негизларда ташкил этиш, бу маҳсулотларни етиштиришдаги тарқоқликдан воз кечиш, шу маҳсулотларни ҳаммадан оз-оз ундириб олишдан иборат бўлган ва ҳозир ҳам давом қилиб келаётган зарарли практикадан воз кечиш пайти келди. Ҳозир деярлик ҳар бир колхоз картошка-сабзавотни оз миқдорда етиштириб, оз миқдорда топширмоқда, ваҳоланки, бу тартибда олинаётган сабзавот ва картошкадан давлатга манфаат ҳам йўқ, чунки жуда қимматга тушаётир. Бу тартибда олинаётган сабзавот ва картошкадан колхозга ҳам манфаат кам. Чунки оз майдонларда етиштирилмоқда ва, бинобарин, ерни шу экинлар учун мослаш ҳамма вақт ҳам мумкин бўла бермайди, бу экинларни парвариш қилиш эса етарлик равишда механизациялаштирилмаган.

Картошка ва сабзавотларни экиш, ишлаш ва йиғиб-териб олишни механизациялашнинг ҳозирги воситаларидан фойдаланиб, картошка ва сабзавотни айрим районларда яхлит қилиб экиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлади. Шундай қилинганда хўжаликлар ихтисослаштирилади, картошка ва сабзавот экиш учун яхшироқ ерлар танланади, бу экинларни квадрат-уялаб ва квадрат қилиб экиш, қатор ораларини икки томонлама ишлаш, ўз вақтида ва керакли миқдорда ўғитлаш, зарур бўлган жойларда эса суғориб ҳам туриш мумкин бўлиб қолади.

Аввало картошка, сабзавот экиш қулай бўлган зоналарни ажратиш, бунинг учун қулай ерлари бўлган колхозлар ва совхозларни белгилаш керак эди. Бунда шу колхозларнинг географик мавқеини-истеъмолчига яқинлигини, темир ва тош йўллар, сув йўллари бордлигини алоҳида ҳисобга олиш керак. Бунинг учун ҳар қайси республика, ўлка, областда масъул кишиларни ажратиб қўйиш керак, токи бу масъул кишилар фақат картошка ва сабзавот етиштириш билангина шуғулланадиган бўлсинлар, картошка ва сабзавот етиштирилиши учун жавобгар бўлсинлар.

Шу муносабат билан Москва атрофи районларида сабзавот етиштириш тўғрисида бир-икки оғиз гапириб ўтмоқчиман. Қайр ерлардан сабзавот ҳосили етиштириш учун фойдаланиш зарурлиги кўрсатиб ўтилган эди. Ўша вақтда Москва-река, Ока ва Яхрома дарёлари атрофидаги қайр ерларни тозалай бошлаган эдилар. Бу ерларда сабзавотдан мўл ҳосил олиш учун жуда қулай шарт-шароит бор, бу ерларнинг тупроғи ҳам яхши, шу ерларни суғорса ҳам бўлади. Фақат техникани ишга солиш, чакалакзорларни кундаклов қилиб ташлаш, ерларни ҳайдаш, шу ерларга сув чиқариш керак эди, холос.

Лекин бу иш чинакамига ташкил қилинмади. Ваҳоланки, шу ерларда Москва учун катта сабзавотзор барпо қилиш мумкин эди. Москва арзон нархлар билан сабзавотларни кўп миқдорда оладиган бўлиб қолур эди. Шу ишни ташкил этиш учун бўлган сарфларнинг ўрни ҳам жуда қисқа вақт ичида тўлиб кетган бўлур эди. Мен бу ерда фақат Москва области тўғрисидагина гапирдим, лекин бу гаплар бошқа областларга ҳам тааллуқлидир.

Йирик шаҳарлар ва саноат марказларига яқин ерларда жойлашган совхозлар арзон сабзавот ва картошкани кўп миқдорда етиштириб беришлари мумкин. Ихтисослаштирилган совхозларда, айниқса РСФСР ва Украина ССРнинг бир қанча областларидаги, Белоруссия ССРдаги шундай совхозларда картошка-сабзавот етиштиришни бутун чоралар билан кенгайтириш керак.

Масалан, Москвани сабзавот ва картошка билан таъминлаб туриш учун Москва области районларидан ташқари Рязань, Тула, Калуга, Орёл, Брянск областларидаги баъзи районларни ҳам ажратиб қўйиш керак эди. Шу районларда сабзавот ва картошка етиштиришга ихтисослашган совхозларда шу экинларни экиш учун энг яхши ерларни ажратиб қўйиш, бу хўжаликларни зарур техника билан таъминлаш, уларга етарлик миқдорда минерал ўғитлар бериш керак. Энг муҳими шуки, ихтисослаштирилган совхозларга агрономия фанининг энг яхши муваффақиятларини ҳамда илғор тажрибаларни қўлланиб, сабзавот етиштиришни ташкил қила оладиган яхши директорларни, агрономларни, механизаторларни ва бошқа ходимларни танлаб олиш керак.

Москва атрофи районларидаги совхозларда сабзавот етиштиришни мана шундай ташкил қилиш мумкинлигини Серпухов районидаги «Большевик» совхозининг тажрибаси яққол кўрсатиб турипти. Бу совхозда хилма-хил сабзавотларни кўп миқдорда етиштириш таъминланган, бу сабзавотларнинг таннархи қўшни колхозлар ва совхозлардаги сабзавотларнинг таннархига қарагандa анча арзонга тушмоқда. Масалан, шу совхозда бир килограмм карамнинг таннархи беш тийинга тушаётир. Ихтисослаштирилган совхозларда агроном Филатовнинг тажрибасини, шунингдек профессор Эделштейннинг кўчатларни торф-ичирида стаканчаларида ўстириш методини кенг жорий қилиш керак.

Волга-Ахтуба ҳавзасидаги қайр ерларда сабзавотчилик хўжалигини ривожлантирмоқ учун бўлган жуда бой имкониятлардан давлат манфаатларини ҳўлаб фойдаланиш керак. Ўша ерларда офтоб кўп, каттакатта майдонларни суғоришни яхши ташкил қилиш қийин эмас. Яқин вақт ичида Сталинград гидроэлектростанцияси ишга тушиб, жуда кўп арзон электр қуввати берадиган бўлиб қолади, бу эса сабзавотларни жойларда экиб ўстириш ва қайта ишлаш соҳасиядаги асосий ишларни машиналаштиришга ва сабзавот экилган ерларни суғоришни кенг миқёсда ташкил этишга имкон беради. Шуни назарда тутиш керакки, шу районларда сув транспортидан фойдаланиб, сабзавотларни ташиб олишни анча арзонлаштиришимиз мумкин.

Волга-Ахтуба районида сабзавотларни қайта ишлайдиган консерва заводлари ташкил қилиш керак. Йирик гидроэлектростанциялар — Сталинград, Куйбишев, Каховка гидроэлектростанциялари қурилган районларда суғориладиган ерларни кенгайтириш масаласини кўриб чиқиш вакти келди.

Бу масалалар билан Москва, Рязань, Орёл, Тула, Калуга, Брянск, Сталинград, Астрахань, Куйбишев, Херсон, Запорожье ва бошқа областларнинг партия комитетлари жиддий шуғулланишлари зарур.

Картошка, сабзавот, мева ва тез бузиладиган бошқа маҳсулотларни тайёрлаш ишларида жиддий тартиб ўрнатиш ҳам ғоят муҳимдир. Картошка тайёрлашни тартибга солиш тўғрисида кўп йиллардан бери ғапириб келинмоқда. Бироқ, ҳозирча деярлик ҳамма шаҳарлар, шу жумладан, Москва ва Ленинград сингари катта шаҳарлар ҳам картошкани ўзида бутун йилга етарли қилиб тайёрлаб қўйишга уринадилар. Минг-минг тонналаб картошкани подволларга ва мувофиқлаштирилмаган бошқа биноларга келтириб тўкиб қўядилар, бу картошканинг кўпи чиқитга чиқиб кетади. Шу сабабли кўпинча магазинларда бузилабошлаган картошка сотилаётганлиги тасодифий эмас.

Ишни шундай ташкил қилиш керакки, шаҳарларнинг савдо ташкилотлари ўзлари план тузиб олиб ҳамда колхозлар ва совхозлар билан қатъий равишда гаплашиб қўйиб, шу колхозлар ва совхозларда ўзлари учун керакли муайян миқдордаги картошка, сабзавот, ҳўл ва қуруқ меваларни ғамлаб қўядиган бўлсинлар ва кейин шу маҳсулотларни шаҳарларнинг савдо шохобчаларига аста-секин, уюшқоқлик билан камроқ маблағ сарфлаб систематик равишда келтириб турадиган бўлсинлар. Иш шундай ташкил қилинса, яхши бўлмасмикин?

Марказий Комитетнинг бу Пленумида ҳар қайси колхоз, совхоз ва районнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини гектар бошига ҳисоблаб, сотиш нормаларини белгилаш ҳамда шу маҳсулотларни тайёрлаш планларини тасдиқлаш тартиби тўғрисида ҳам фикрлашиб олиш керак.

Баъзи ўртоқлар колхозларнинг дон, картошка, гўшт, сут, жун, тухумни давлатга сотишлари учун гектар бошига белгиланган нормалари область, ўлка ижроия комитетлари, республикаларнинг Министрлар Советлари томонидан тасдиқлансин, бу нормаларни тасдиқлашда тайёрлашнинг белгиланган ҳажми назарда тутилиб, айрим районлар ва колхозларнинг тупроқ-иқлим шароити ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг қай даражада ихтисослашганлиги ҳисоба олинсин, деган таклифларни айтмоқдалар.

Давлат ресурсларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг зарур миқдорда муттасил келиб туришини таъминламоқ учун дон, картошка, пахта, қанд лавлаги, шунингдек зигир, гўшт, сут, тухум, жун маҳсулотлари ҳамда бошқа муҳим маҳсулотлар ва хомашёларни республикалар бўйича тайёрлаш планлари, шунингдек умумиттифоқ фондидан республикаларга ажратиладиган маҳсулотларнинг миқдори СССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланадиган бўлиши керак.

Тайёрлашнинг янги тартибини муҳокама қилаётган вақтимизда колхозлардан олинадиган маҳсулот учун уларга аванс бериб туриш системаси тўғрисида ҳам ўйлаб кўришимиз керак. Рўй берган шароитга кўра, кўп колхозларда маҳсулот асосан йилнинг иккинчи ярмида сотилади. Колхозларга тушаётган пулнинг мавсумга боғлиқ бўлиб қолганлиги кўпинча уларнинг планларини бузиб қўймоқда, колхозларга авансларни мунтазам равишда беріб туришга халақит бермоқда. Колхозларнинг авансдан фойдаланганликлари учун улардан процент олмай, колхозлардан олинадиган маҳсулотлар ҳисобига колхозларга пул авансларини мунтазам равишда беріб туришни кўзда тутиш керак.

Техника экинлари етиштириш билан шуғулланаётган колхозларни рағбатлантириш тариқасида шу вақтгача уларга дон, қанд ва бошқа маҳсулотлар имтиёзли нархлар билан берилиб келмоқда. Айрим ходимлар бундай савол беришади: колхозлар топшираётган маҳсулот устидан уларга арзон нарх билан мол беришдан иборат бу системани бекор қилиш пайти келмадими? Яқин келгусида шундай қилсамиз ҳам керак, зотан колхозларнинг ўзи ҳам рағбатлантиришнинг бу формаси мақсадга мувофиқ эмаслигини сезиб турипдилар. Бироқ ҳозирча бу йўлдан бориб бўлмайди. Пахта, зигир, конопля ва бошқа луб экинлари, чойбарги, тамаки ва пилла етиштириш билан шуғулланаётган колхозларга дон сотишни, қанд лавлаги топширувчиларга шакар сотишни, пахта, мойли экинларнинг ва эфирмойли экинларнинг уруғларини, узун толали зигир уруғини, конопля ва луб экинларининг ҳосилини топширувчиларга ёғ ва кунжара сотишни давом эттириш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур маҳсулотларни имтиёзли нархлар билан, яъни амалдаги чакана нархларга нисбатан бир оз скидка билан сота бериш керак, деган таклифлар бор. Баъзи кишилар бу маҳсулотларни ҳеч бир скидка қилмай чакана нархлар билан сотаберіш керак деб таклиф қилмоқдалар. Шу масалалар устида ҳам фикрлашиб олиш яхшироқ бўлади.

Маҳсулотларни мажбурий етказиб бериш, МТСларнинг ишлари учун натура ҳақи тўлаш ва контрактация бўйича кейнинги йилларда колхозлар зиммасида анча қарз тўпланиб қолди. Баъзи колхозларнинг заифлиги натижасида, шунингдек айрим йиллардаги иқлим шароитларининг ноқулай бўлиши сабабли бир неча йиллар мобайнида бу қарз вужудга келди.

Маҳсулотларни мажбурий етказиб бериш, МТСлар иши учун натура ҳақи тўлаш ва контрактациялар бўйича бир қанча йиллардан бери тўпланиб келган шу қарзларни колхозлардан кечиб юбориш мақсадга мувофиқ бўлмасмикин деган масалани муҳокамага қўймоқчимиз. Бу қарзларнинг кечиб юборилиши иқтисодий жиҳатдан заиф бўлган колхозларнинг шу колхозларга ишлаб чиқариш-техника хизмати кўрсатишнинг янги формаларига ўтишларини енгиллаштиради. Пленумда шу муҳим масала устида ҳам фикрлашиб олиш керак.

Ўртоқлар! Тайёрлашнинг янги тартиби кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида рўй берган чуқур ўзгаришлардан келиб чиқаётган тартибдир. Бу тартиб социалистик қишлоқ хўжалик системасини қайта қуриш ва такомилланиб бориш йилларида қўлланилиб келган тайёрлаш формаларидан бутунлай фарқ қилади. Ўша вақтда, партия маҳсулот етиштириш етарлик бўлмаган шароитда тайёрлаш системаси дон ва бошқа маҳсулотларни мумкин қадар энг кўп миқдорда давлат эҳтиёжлари учун сафарбар қилиши лозим деган фикрга асосланди.

Қишлоқ хўжалиги кескин равишда юксалиб бораётган ҳозирги вақтда тайёрлаш системаси олдига анча кенгроқ талаблар қўйилмоқда. Бу система мамлакатни етарлик миқдорда озиқ-овқат билан тамъинлабгина қолмасдан, шу билан бирга қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ўстириш учун шарт-шароит вужудга келтириши, жамоат хўжалигини юксалтириш учун курашда колхозчиларнинг ташаббускорлигини тагин ҳам кенг равишда ривожлантиришга ёрдам бериши ҳам лозим. Бинобарин, маҳсулот тайёрлашнинг янги тартиби жорий қилинди, колхозларга қишлоқ хўжалик артели Уставига зарур ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилди.

Давлат қишлоқ хўжалигига жуда катта ёрдам кўрсатди. Маълумки, кейинги тўрт йил ичида қурилиш ва машина ҳамда асбоб-ускуналар сотиб олиш учунгина мамлакатнинг қишлоқ хўжалигига 75 миллиард 400 миллион сўм, ёки иккинчи, учинчи, тўртинчи беш йилликни ва бешинчи беш йилликнинг уч йилини бирга қўшиб ҳисоблаганда ана шу давр ичида шу мақсад учун ажратилган маблағларга нисбатан (тақкослаб олинган нархларда) 10 миллиард сўм кўпроқ пул сарфланди.

Ана шу ҳамма тадбирлар кўрилиши натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш кескин суратда ортди, колхозларнинг даромадлари анча кўпайди, колхозчиларнинг моддий фаровонлиги ошди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархларини ошириш ҳисобигагина Марказий Комитет сентябрь Пленумидан кейин ўтган давр ичида колхоз ва колхозчиларнинг даромади йилига 50 миллиард сўмдан зиёд кўпайди.

Қишлоқ хўжалиги юксалган, колхозларнинг экономикаси мустаҳкамланган ҳозирги шароитда ва хусусан машина-трактор станциялари қайта ташкил қилинаётганлиги муносабати билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва харид қилиш нархлари тўғрисидаги масалага яна қайтиш зарурдир. Бу чорани амалга ошириш айниқса муҳимдир, чунки, биринчидан, эндиликда бизда МТСларнинг иши учун натура ҳақи тўланмайди ва шу муносабат билан сотиб олинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг миқдори кўпайиши керак. Иккинчидан, хилма-хил нархларни йўқотиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларига мамлакат зоналари бўйича табақалаштирилган ягона давлат нархларига ўтиш учун бу чорани амалга ошириш керак.

Маҳсулот тайёрлашнинг ҳозирги мавжуд системасида айни бир хил маҳсулотлар турли нархлар билан тайёрланади: мажбурий тартибда ошириш натижасида ўтиш учун ва давлат закупкаси бўйича топширилаётган маҳсулот учун харид нархи юқорироқ белгиланади. МТСларнинг иши учун натура ҳақи ҳисобига пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тартибида топириладиган маҳсулот давлатнинг колхозларда машиналар ёрдами билан бажариладиган ишлар учун қиладиган ҳаражатларини қоплаш учун кетади. Контрактация тартибида олинадиган маҳсулотнинг ҳаҳи ҳам турли нархлар билан тўланади: маҳсулотнинг план доирасида топириладиган қисми учун бир хил баҳода ҳақ тўланганги ҳолда, бир қанча маҳсулотлар пландан ташқари топширилганлиги учун эса устама мукофот тариқасида анча юқорироқ нарх билан ҳақ тўланади. Буларнинг ҳаммаси шунга олиб келдики, турли манбалар бўйича давлатга топириладиган бир хил маҳсулот учун колхозларга турли нарх билан ҳақ тўланиб келмоқда. Бунинг натижасида айрим хўжаликларга маҳсулотнинг у ёки бу хили учун, хусусан техника экинлари бўйича устама мукофот ҳисобига асосий нархга нисбатан бир неча баравар кўпроқ пул тўлаб келинди. Бундай практика хўжаликни бошқаришда нотўғри тенденцияларни вужудга келтирди: баъзи колхозлар маҳсулотнинг кўпроқ қисмини пландан ташқари юқорироқ нархларда сотиш учун минимал планларни белгилашга ҳаракат қилдилар ва унча кўп миқдорда бўлмаган маҳсулот учун талайгина пул олиб келдилар, ўз хўжаликларини конъюнктура шароитларини кўзда тутиб олиб бордилар.

Айни вақтда ўрта даражадаги хўжаликлар ва айниқса иқтисодий жиҳатдан кам қувват хўжаликлар жуда қийин аҳволга тушиб қолдилар, чунки, улар ўз маҳсулотларининг асосий қисмини маҳсулот тайёрлашнинг пастроқ нархи билан топширишга мажбур бўлдилар, ана шу нархлар ишлаб чиқариш харажатларининг ўрнини ҳамиша ҳам қоплар эди, деб бўлмайди.

Қуйидаги фактлар давлат томонидан сотиб олинадиган маҳсулотларнинг ҳозир амалда бўлган нарх системасида нормал бўлмаган кўп ҳоллар борлигини кўрсатади. Калинин область, Бежецк районидаги «6-съезд Советов» колхози 1957 йилда ўтган йили топширган зигир толасининг ҳар бир центнери учун 2971 сўмдан пул олди, шу райондаги «Ударник» колхози эса, атиги 445 сўмдан пул олди. Винница область, Калиновка районидаги «Большевик» колхози 1957 йилда қанд лавлаги топшириш планини ошириб бажарди. Бу колхоз топширган ҳар бир тонна қанд лавлагиси учун ўрта ҳисобда 266 сўмдан пул олди, шу райондаги «Сорок лет Октября» колхози эса планни бажариб, лавлагининг ҳар тоннаси учун атиги 221 сўмдан пул олди.

Ёки пахтачилик соҳасида мисол келтирайлик. Тошкент область, Ўртасарой районидаги «Полярная звезда» колхози 1957 йилда давлатга контрактация бўйича 30 минг 710 центнер пахта топширди ва 11 миллион 330 минг сўм, ёки топширилган пахтанинг ҳар центнери учун салкам 369 сўмдан пул олди. Колхоз, устама мукофотга кирмаган 23 минг центнер пахтаси учун ҳар центнерига асосий нарх бўйича, яъни 303 сўмдан пул олди. Колхоз қолган 7710 центнер учун мукофот олди ва ана шу пахтанинг ҳар центнерини 564 сўмданга топширди, бу 564 сўмнинг 260 сўмдан кўпроғи устама мукофот бўлди.

Шу райондаги Ленин номли колхоз давлатга контрактация бўйича 14 минг центнер пахта топширди ва ҳар центнер пахта учун 297 сўмдан пул олди. Колхозга устама мукофот берилмади, чунки у ҳар гектар ердан 22 центнердан ҳосил топширди. Шундай қилиб, Ленин номли колхоз топширган пахтанинг ҳар бир центнери давлатга илғор «Полярная звезда» колхози топширган пахтага нисбатан 71 сўм ёки 24 процент арзон тушди.

(ДАВОМИ УЧИНЧИ БЕТДА)

II.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш нархлари тўғрисида

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг иқтисодий жиҳатдан асосланган нархлар билан тайёрланиши ва сотилиши — маҳсулот тайёрлаш бутун системасининг энг муҳим масалаларидан биридир. Сиёсатимизнинг энчиллиги, давлат манфаатлари билан колхоз манфаатларини, саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш манфаатларини, ишчилар синфи билан деҳқонларнинг, бутун совет халқининг манфаатларини тўғри боғлаб олиб бориш маҳорати нарх проблемасини ҳал этишда ўзининг тўлиқ ифодасини топиши керак.

Нарх сиёсати колхоз тузумини янада кўпроқ мустаҳкамлаши, меҳнат унумдорлигини оширишга ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни тез кўпайтиришга, колхоз экономикасини бутун чоралар билан ривожлантиришга ёрдам бериши керак. Шу билан бирга қишлоқ хўжалик маҳсулотларига нарх белгилаш сиёсати колхозларда кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқаришни таъминлабгина қолмай, балки саноатнинг, хусусан халқ хўжалигида етакчи куч бўлган оғир индустриянинг қувватларини ошириш учун муайян жамғармаларни ҳам вужудга келтириши керак эканлигини эсдан чиқариб бўлмайди. Колхозчиларнинг ўзлари ҳам бундан манфаатдордирлар. Бинобарин, биз қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ягона нархлар белгилаш масаласини ҳал этиб, бу билан ишчи ва деҳқонлар иттифоқини янада мустаҳкамлаш, кўп миллатли социалистик давлатимиз халқларининг дўстлигини мустаҳкамлаш вазифасини ҳам ҳал этамиз.

Биз, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ягона нархлар белгилаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиб турган ҳозирги пайтда яқин ўтмишда амалга ошириб келинган нарх сиёсатида нуқсон ва хатоларга йўл қўйилганлигини айтиб ўтмай илож йўқ. 1953 йилгача бир қанча энг муҳим маҳсулотлари тайёрлаш нархлари кам эди, бу нархлар сарф қилинган меҳнат ва моддий ҳаражатларнинг ўрнини қопламас эди ва жамоат хўжалигини ривожлантириш учун минимал шарт-шароитни вужудга келтирмас эди. Нарх сиёсатидаги ана шу нуқсонлар қишлоқ хўжалигига зарар етказди, ишлаб чиқаришни юксалтиришда колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигига путур етказди, колхозларнинг ривожланишига халақит берди.

Ўтмишда қишлоқ хўжалик маҳсулотларига нарх белгилаш вақтида ходимларнинг жамоат ишлаб чиқаришини ривожлантиришдаги моддий манфаатдорлигидан иборат ленинча принципга кўпинча риоя қилинмади. Совет давлати иқтисодий сиёсатининг энг муҳим масалаларидан бирига шу хилда нотўғри қараш марксизм-ленинизм руҳига хилоф эди. В. И. Ленин таълим бериб кетган эдики, мамлакат халқ хўжалигини бошқариш соҳасидаги ҳамма ишлар иқтисодий тараққиётнинг муайян босқичи хусусиятларини оқилона ҳисобга олиш асосига қурилиши керак, социалистик экономика тараққиёти қонунларининг талабларига тамомила мувофиқ бўлиши керак.

Бизнинг партиямиз марксча-ленинча назарияга амал қилиб, ана шу катта хато ва бузишларни фош қилди. Бизнинг партиямиз қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги ана шу бузилиш ва хатолар натижасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бир қанча тармоқлари жиддий суратда ва узоқ вақт бир ўринда тўхтаб қолди, чорвачилик каби муҳим соҳада тартибсизликлар рўй берди, деб кўрсатди. Партия ростгўйлик ва қатъият билан айтдики, қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда ана шундай практиканинг давом эттирилиши сиёсат соҳасида жиддий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин эди. Ишчилар билан деҳқонлар иттифоқини заифлаштириши, мамлакатимизда коммунизм қурилиши соҳасидаги ҳамма ишга катта зарар етказиши мумкин эди.

Партия Марказий Комитетининг сентябрь Пленумида ва шундан кейинги Пленумларида, партия XX съездида қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтиришнинг кенг программаси ишлаб чиқилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда колхоз ва колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигидан иборат ленинча принцип ана шу программага асос қилиб олинди. Энг муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотларига илғари белгиланган ва иқтисодий жиҳатдан асослаб берилмаган ҳамда ҳаддан ташқари кам бўлган нархлар қайтадан кўриб чиқилди ва анча оширилди. Партия янги тайёрлаш нархлари ва ҳарид нархлари колхоз ишлаб чиқаришини ривожлантириш омили бўлсин, деган фикрга асосланди.

Шу билан бирга, партия қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасида бошқа энг муҳим тадбирларни ҳам амалга ошириди. Колхозлар, МТС ва совхозлар малакали кадрлар билан мустаҳкамланди, қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш техника базаси анча кучайтирилди, планлаштиришда янги тартиб жорий қилинди, колхозларга қишлоқ хўжалик артели Уставига зарур ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилди.

Партия Марказий Комитетининг сентябрь Пленумида ва шундан кейинги Пленумларида, партия XX съездида қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтиришнинг кенг программаси ишлаб чиқилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда колхоз ва колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигидан иборат ленинча принцип ана шу программага асос қилиб олинди. Энг муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотларига илғари белгиланган ва иқтисодий жиҳатдан асослаб берилмаган ҳамда ҳаддан ташқари кам бўлган нархлар қайтадан кўриб чиқилди ва анча оширилди. Партия янги тайёрлаш нархлари ва ҳарид нархлари колхоз ишлаб чиқаришини ривожлантириш омили бўлсин, деган фикрга асосланди.

Шу билан бирга, партия қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасида бошқа энг муҳим тадбирларни ҳам амалга ошириди. Колхозлар, МТС ва совхозлар малакали кадрлар билан мустаҳкамланди, қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш техника базаси анча кучайтирилди, планлаштиришда янги тартиб жорий қилинди, колхозларга қишлоқ хўжалик артели Уставига зарур ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилди.

Давлат қишлоқ хўжалигига жуда катта ёрдам кўрсатди. Маълумки, кейинги тўрт йил ичида қурилиш ва машина ҳамда асбоб-ускуналар сотиб олиш учунгина мамлакатнинг қишлоқ хўжалигига 75 миллиард 400 миллион сўм, ёки иккинчи, учинчи, тўртинчи беш йилликни ва бешинчи беш йилликнинг уч йилини бирга қўшиб

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ докладининг давоми

(БОШИ I ВА II БЕТЛАРДА)

Пландан ташқари пахта топширганлик учун рағбатлантириш системасита алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Устама мукофотлар пахтага қўйилган нархда яқин вақтларгача жуда катта роль ўйнаб келди. Маълумки, 1955 йилда давлат колхозларда контрактация қилинган пахтанинг ҳар центнери учун 295 сўм тўлаган эди, шу жумладан 82 сўм устама мукофот тўланган эди. 1956 йилдан бошлаб пахтанинг нархи оширилди, устама мукофотлар миқдори эса камайтирилди. 1956 йилда контрактация қилинган пахтанинг ҳар бир центнери учун белгиланган ўртача баҳо 368 сўмни, шу жумладан устама мукофот 23 сўмни ташкил этди, 1957 йилда эса ўртача нарх 370 сўмни, шу жумладан устама мукофот 30 сўмни ташкил этди. Лекин шунга қарамай, 1957 йилда ҳам устама мукофот тариқасида қарийб 1 миллиард 100 миллион сўм тўланди. Ана шу устама мукофотларни асосан энг илғор колхозлар олдилар.

Бундай системанинг бўлиши натижасида айни бир хил миқдордаги пахта учун колхозлар турли нарх билан ҳақ олдилар. Масалан СССР Марказий Статистика бошқармасининг 1956 йилда Тошкент областининг айрим жойларида ўтказган текширишига доир маълумотлар қуйидагиларни кўрсатади: Тошкент областида 27 колхоз, шу жумладан 8 илғор колхоз, ўрта даражадаги 9 колхоз ва 10 та кам қувватроқ колхоз текширилди. Топширилган пахтанинг ҳар бир центнери учун ўртача нарх, устама мукофотни қўшиб ҳисоблаганда, колхоз группалари бўйича қуйидагича бўлган:

илғор колхозлар	398 сўм
ўрта колхозлар	331 сўм
кам қувватроқ колхозлар	285 сўм

Илғор колхозлар 1 центнер пахта учун иқтисодий жиҳатдан заиф колхозларга нисбатан қарийб бир ярим баравар кўп пул олганликлари шу рақамлардан кўриниб турибди.

Ана шу группалардаги колхозларда меҳнат кунлари ҳозасидан ҳам турлича ҳақ тўланган:

1956 йилда Тошкент областининг текшириб чиқилган колхозларида меҳнат кунига тўланган ҳақ:

	Пул ва маҳсулотларнинг ҳаммаси (чакана нархларга айлантирганда)	Шу жумладан пул
Илғор колхозлар	27 сўм	21 сўм
Ўрта колхозлар	17 »	12 »
Кам қувватроқ колхозлар	14 »	11 »

Марказий Статистика Бошқармаси текшириб чиқилган колхозларда ҳар бир центнер пахтанинг таннархини ҳисоблаб чиқди. Бу ҳисоб шуни кўрсатадики, илғор колхозларда пахтанинг қиммати совхозларда меҳнат ҳақи нормалари бўйича ҳисобланган таннархга нисбатан уч баравардан зиёд, ўрта колхозларда икки баравардан зиёд, иқтисодий жиҳатдан кам қувват колхозларда эса 1,7 баравар зиёд бўлган.

Агар эталон сифатида совхозлар давлатга топширадиган пахта нархларини олиб кўрсак, шундай манзара ҳосил бўлади: илғор колхозлар пахтанинг бир центнери учун совхозларга қараганда икки баравардан зиёд ҳақ оладилар. Аслида эса, Тошкент областидаги совхозлар топширган пахтанинг ўртача нархи 1956 йилда центнер бошига 185 сўмни, 1957 йилда эса 188 сўмни ташкил этган.

Равшанки, топширилган пахта учун ҳақ тўлашдаги бундай тартибни адолатли тартиб деб ҳисоблаб бўлмайди. Бизда ишлаб чиқариш юксак даражага кўтарилган колхозлар борлиги яхши ган. Аммо гап шундаки, планда кўрсатилган ҳосилдорлик даражасига эришмаган, ишлаб чиқариш даражаси жиҳатидан эса ўрта колхозлар даражасига кўтарилмаган колхозларнинг топширган пахтаси учун ҳақ тўлашда уларга илғор колхозларга нисбатан жарима солингандай туйилар эди. Бу ҳол ана шу колхозларни рағбатлантирмас эди, албатта. Бундай колхозларда пахта етиштириш паст даражада бўлганлиги, уларнинг экономикаси заиф бўлганлиги сабабли бу ҳол пахтачиликнинг умумий юксалишига халақит бериб турар эди.

Эндиликда ҳақ тўлашда бошқа принцип белгиланади, бу принципга мувофиқ ягона нарх белгиланади, устама мукофотлар бўлмайди. Шуни айтиш керакки, пахтакор колхозларнинг топширадиган пахтаси учун уларга тўланадиган пулнинг умумий суммаси ўтган йиллардагига нисбатан камаймайди. Ҳақ тўлашнинг янги тартиби жорий қилинганда кўп колхозлар, шубҳасиз, қўшимча ҳақ оладилар, илғор колхозлар эса пахтанинг ҳар центнери учун ҳозиргига нисбатан бир мунча камроқ ҳақ олади. Бу, тамомила адолатли иш бўлади. Бундан илғор колхозларнигина эмас, балки барча колхозларни ҳам рағбатлантириш учун топшириладиган пахта юзасидан тўлиқроқ ҳақ белгилаш мақсади кўзда тутилади.

Айни бир хил қишлоқ хўжалик маҳсулотига ҳақ тўлашда катта тафовутлар бўлишини тўғри деб ҳисоблаб бўлмайди. Бундай катта тафовутлар совет экономикасини ривожлантириш принципларига хилофдир ва ана шу тафовутларни йўқотиш керак. Рағбатлантиришнинг қандайдир тадбирлари бундан буён ҳам сақланиб қолади, албатта. Нарх сиёсати эпчил сиёсат бўлиши ва хўжаликни ривожлантириш эҳтиёжларини эътиборга олиши керак. Текисчилик бу сиёсатга ёт бир нарсадир. Колхозлардан сотиб олинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ягона нархлар белгилаш зарур эканлиги тамомила аёндир.

Маҳсулот тайёрлаш тартибининг ўзгартирилиши қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий турларига янги нархлар белгилашни талаб этади. Бу нархлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг муайян турлари учун бир хил бўлиши керак, аммо бу нархлар мамлакатнинг айрим зоналари бўйича табақалаштирилган бўлиши, табиий, иқлим шароитлари ва иқтисодий шароитлар эътиборга олиниб белгиланиши керак, албатта. Ана шу нархлар жамоат ишлаб чиқаришини кенгайтиришга рағбатлантириши, колхоз ва колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириши керак.

Колхозлар давлатга маҳсулот сотиш билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун қилган сарфларининг ўрнини қоплашлари ва техника сотиб олиш, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа иморатларни қуриш учун зарур миқдорда маблағ ажратиш имконини берадиган даражада даромад олишлари, яъни ўз хўжаликларини кенгайтирилган асосда олиб боришлари, кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқаришга эга бўлишлари керак.

Янги нархларнинг жорий қилиниши истеъмол товарларига давлат чакана нархларининг оширилишига олиб келмаслиги керак. Аксинча, давлат ихтиёрига топшириладиган кўп миқдордаги товар маҳсулотининг орта бориши билан товарларнинг чакана нархларини камайтириш учун иқтисодий шарт-шароит вужудга келтирилади. Истеъмолчи товарларни ва хусусан энг зарур маҳсулотларни арзонроқ нархларда сотиб олишни ҳақли суратда истайди ва биз ана шу талабларни ва меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришимиз керак. Бунинг учун ҳамма шарт-шароитни яратиш лозим. Нархлар маҳсулот етиштиришни ва давлатга юқори сифатли маҳсулот топширишни ҳам рағбатлантириши зарур. Янги нархларни белгилаш вақтида энг илғор ёки энг қолоқ колхозларга эмас, балки кўпчиликка, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ўртача бўлган колхозларни кўзда тутиш керак.

Марказий Комитет Президиуми ва СССР Министрлар Совети Марказий Комитет февраль Пленуми кўрсатмаларини бажара бориб, мажбурий тартибда маҳсулот етказиб беришни ва МТСларнинг иши учун натура ҳақи тўлашни бекор қилиш тўғрисида, колхозларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашнинг янги тартиби, нарх ва шартлари тўғрисида қарор проектини ишлаб чиқдилар. Бу проектда зоналар бўйича табақалаштирилган ягона давлат харид нархларини жорий қилиш кўзда тутилади.

Шу билан бирга, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети шунга асосланадиларки, давлатнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш учун қиладиган харажатлари умуман олганда давлат планида 1958 йилга мўлжалланган даражада қолиши керак. Бунинг маъниси шуки, биринчидан, давлат тайёрланаётган, харид қилинаётган ва контрактация тартибида олинаётган маҳсулот учун колхоз ва колхозчиларга тўлаб келган маблағлар ва, иккинчидан, техника, ёнилги сотиб олиш, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ҳақини тўлаш учун давлат томонидан МТСларга ажратилган маблағлар ва шу вақтгача колхозлар томонидан натура ҳақи тариқасида тўланиб келган бошқа харажатларга ажратилган маблағлар тайёрланадиган маҳсулотнинг ҳақини тўлаш учун сарф қилинмоғи керак.

Ҳозирги вақтда белгиланадиган нархлар стабил ҳам бўлиши, ўзгартиб турилади ган ҳам бўлиши керак. Бу нархлар шу маънода стабил бўлиши керакки, нормал ҳосил олинган тақдирда нархлар ўзгартирилмаслиги лозим. Аммо, у ёки бу томонга қарата кескин тафовутлар ҳам бўлади, ҳосил учун жуда қулай ёки жуда ноқулай шароитлар ҳам бўлади. Масалан, Украинанинг жанубий районларида об-ҳаво шароити қулай келган йилда кўп колхозлар ҳар гектар ердан 30-35 центнердан буғдой оладилар. Ёз фасли қурғоқ келган йилда эса худди ана шу ерда ва ана шунча меҳнат сарф қилган ҳолда ҳар гектар ердан атиги 15-10 центнердан ва ҳатто бундан ҳам камроқ буғдой оладилар. Ҳозир белгиланадиган тайёрлаш нархлари кўп йиллик ўртача маълумотларга асосланади. Бинобарин, бу нархлар йилнинг шарт-шароитига қараб у ёки бу томонга ўзгартиб турилиши керак. Менимча бу, тўғри иш бўлади.

Башарти бу нарса эътиборга олинмаса, у ҳолда колхоз жуда қулай келган йилда ўртача ҳосил олинган йилдаги сарфларни қилгани ҳолда, жуда кўп даромад олади. Бу эса, давлатга жуда ортиқча харажат бўлиб тушади. Иккинчи томондан қурғоқчилик рўй бериб, кам ҳосил олинганида ва бинобарин бу ҳосил, қилинган харажатларни қоплай олмаган тақдирда, давлат бундай колхозга нархларни ошириш шаклида ёрдам кўрсатмаса, колхоз жиддий зарар кўриши мумкин. Айрим ҳолларда эса, уруғлик ва ҳатто озиқ-овқат маҳсулотларини қарзга бериш йўли билан ана шундай ёрдам кўрсатишга тўғри келади.

Бу ҳаммага равшан. Бу гапларни вужудга келтирилди. Истеъмолчи товарларни ва хусусан энг зарур маҳсулотларни арзонроқ нархларда сотиб олишни ҳақли суратда истайди ва биз ана шу талабларни ва меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришимиз керак. Бунинг учун ҳамма шарт-шароитни яратиш лозим. Нархлар маҳсулот етиштиришни ва давлатга юқори сифатли маҳсулот топширишни ҳам рағбатлантириши зарур. Янги нархларни белгилаш вақтида энг илғор ёки энг қолоқ колхозларга эмас, балки кўпчиликка, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ўртача бўлган колхозларни кўзда тутиш керак.

Марказий Комитет Президиуми ва СССР Министрлар Совети Марказий Комитет февраль Пленуми кўрсатмаларини бажара бориб, мажбурий тартибда маҳсулот етказиб беришни ва МТСларнинг иши учун натура ҳақи тўлашни бекор қилиш тўғрисида, колхозларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашнинг янги тартиби, нарх ва шартлари тўғрисида қарор проектини ишлаб чиқдилар. Бу проектда зоналар бўйича табақалаштирилган ягона давлат харид нархларини жорий қилиш кўзда тутилади.

Шу билан бирга, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети шунга асосланадиларки, давлатнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш учун қиладиган харажатлари умуман олганда давлат планида 1958 йилга мўлжалланган даражада қолиши керак. Бунинг маъниси шуки, биринчидан, давлат тайёрланаётган, харид қилинаётган ва контрактация тартибида олинаётган маҳсулот учун колхоз ва колхозчиларга тўлаб келган маблағлар ва, иккинчидан, техника, ёнилги сотиб олиш, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ҳақини тўлаш учун давлат томонидан МТСларга ажратилган маблағлар ва шу вақтгача колхозлар томонидан натура ҳақи тариқасида тўланиб келган бошқа харажатларга ажратилган маблағлар тайёрланадиган маҳсулотнинг ҳақини тўлаш учун сарф қилинмоғи керак.

Ҳозирги вақтда белгиланадиган нархлар стабил ҳам бўлиши, ўзгартиб турилади ган ҳам бўлиши керак. Бу нархлар шу маънода стабил бўлиши керакки, нормал ҳосил олинган тақдирда нархлар ўзгартирилмаслиги лозим. Аммо, у ёки бу томонга қарата кескин тафовутлар ҳам бўлади, ҳосил учун жуда қулай ёки жуда ноқулай шароитлар ҳам бўлади. Масалан, Украинанинг жанубий районларида об-ҳаво шароити қулай келган йилда кўп колхозлар ҳар гектар ердан 30-35 центнердан буғдой оладилар. Ёз фасли қурғоқ келган йилда эса худди ана шу ерда ва ана шунча меҳнат сарф қилган ҳолда ҳар гектар ердан атиги 15-10 центнердан ва ҳатто бундан ҳам камроқ буғдой оладилар. Ҳозир белгиланадиган тайёрлаш нархлари кўп йиллик ўртача маълумотларга асосланади. Бинобарин, бу нархлар йилнинг шарт-шароитига қараб у ёки бу томонга ўзгартиб турилиши керак. Менимча бу, тўғри иш бўлади.

Башарти бу нарса эътиборга олинмаса, у ҳолда колхоз жуда қулай келган йилда ўртача ҳосил олинган йилдаги сарфларни қилгани ҳолда, жуда кўп даромад олади. Бу эса, давлатга жуда ортиқча харажат бўлиб тушади. Иккинчи томондан қурғоқчилик рўй бериб, кам ҳосил олинганида ва бинобарин бу ҳосил, қилинган харажатларни қоплай олмаган тақдирда, давлат бундай колхозга нархларни ошириш шаклида ёрдам кўрсатмаса, колхоз жиддий зарар кўриши мумкин. Айрим ҳолларда эса, уруғлик ва ҳатто озиқ-овқат маҳсулотларини қарзга бериш йўли билан ана шундай ёрдам кўрсатишга тўғри келади.

Бу ҳаммага равшан. Бу гапларни тегишли қарорларга ёзиб қўйиш керак, токи қишлоқ хўжалик маҳсулотларига стабиль нархдаргина эмас, балки мустасно ҳолларда ўзгартиб турилади ган нархлар ҳам белгилаш нима учун зарур эканлигини ҳар бир киши тушуниб олсин. Маҳсулот тайёрлашнинг планда кўрсатилган миқдорлари ҳам йилнинг конкрет шарт-шароитларига қараб ва аввало айрим районларда ҳосилнинг даражасига қараб ўзгартиб турилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ҳақ тўлашда шу вақтгача мавжуд бўлган адолатсизлик ягона нархлар жорий қилиниши билан тугатилади. Давлатнинг колхозлардан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш учун қиладиган умумий сарфлари тахминан ўтган йилдаги даражада қолса ҳам, лекин янги нархлар белгиланиши орқасида бу маблағлар колхозлар ўртасида ҳаққоний тақсимланади.

Маҳсулот тайёрлашнинг мавжуд шартлари ва амалдаги нархлар бўлган шароитда мамлакатдаги колхозларнинг унча кўп бўлмаган қисми айниқса катта даромад олар эди. Булар пахтачилик районлари, ривожланган зиғиркорлик ва коноплячилик районларининг колхозлари ҳамда йирик шаҳарлар ва саноат марказлари яқинида жойлашган сут чорвачилиги колхозлари, шунингдек цитрус ўсимликлар ва бошқа баъзи ўсимликларни экадиган колхозлардир. Ана шу районларда ҳам давлатга пландан ташқари кўп маҳсулот топширган ва кўп миқдорда устама мукофот олган колхозларгина ана шундай катта даромадларни олар эдилар. Шу билан бирга давлатга товар маҳсулотининг катта қисмини асосан мажбурий тартибда етказиб бериш ва МТСларнинг иши учун натура ҳақи тўлаш йўли билан топшириб келган кўпчилик колхозлар шу вақтгача анча камроқ даромад олар эдилар.

Эндиликда қишлоқ хўжалик маҳсулотларига янада адолатли ягона нархлар белгиланиши билан мамлакатнинг ҳамма зоналаридаги колхозларнинг гоят кўпчилиги катта манфаат кўради. Шундай бир мисол келтираман: Олтой ўлкаси, Рубцовский районидаги «Страна Советов» колхозининг йирик дон хўжалиги ва ривожланган чорвачилиги бор. Колхоз 1957 йилда давлатга 586 минг пуд дон, салкам 19 минг центнер қанд лавлаги, 1.578 центнер гўшт, салкам 9 минг центнер сут ва 410 центнер жун топширди. Колхоз 1957 йилда давлатга топширган маҳсулотлари учун 9 миллион 700 минг сўм пул олди. Ҳисоблар шуни кўрсатадики, колхоз бу йил давлатга худди ана шу миқдорда маҳсулот топширса, у ҳолда янги нархлар бўйича 12 миллион сўм миқдорида ёки ўтган йили эски нархлар бўйича олинганига нисбатан 2 миллион 300 минг сўм кўпроқ миқдорда пул даромади олади. Колхоз МТСдан сотиб олинган техникани яхши сақлаш ва эксплуатация қилиш учун бўладиган ишлаб чиқариш харажатларини ана шу қўшимча даромадлар ҳисобига тўла равишда қоплай олади ва қишлоқ хўжалик машиналари сотиб олиш учун 500 минг сўмдан кўпроқ пули қолади.

Мамлакатнинг турли зоналаридаги бошқа колхозларга ҳам доир шундай мисолларни келтириш мумкин.

Шундай қилиб, колхозларнинг асосий қисми учун уларнинг жамоат хўжалигини ривожлантиришда, экономикасини янада мустаҳкамлашда ҳамда колхозчиларнинг фаровонлигини янада оширишда янги муҳим стимул вужудга келтирилади. Пахта, ғиғир, каноп ва бошқа техника экиндларини топшириб, устама мукофотлар ҳисобига жуда кўп даромадлар олиб келган айрим колхозларнинг даромадлари янги нархлар жорий қилиниши билан бир оз камаяди, албатта. Аммо улар ана шу зарарни хўжаликнинг шу тармоқларини янада ривожлантириш, ҳосилдорликни ошириш ва маҳсулот сифатини, яхшилаш, шунингдек хўжаликнинг бошқа тармоқларини ривожлантириш йўли билан қоплай оладилар. Масалан, улар ҳозирги вақтда ғиғир ва конопляни поя ва треста ҳолида топширмай, уларни колхознинг ўзида қайтадан ишлаб, толасини топшира оладилар. Бу эса, ўтган йилларнинг даромадларини стабиллаштириш билан бирга ҳатто бу даромадларни кўпайтириш имконини ҳам беради.

Бундан ташқари, шуни унутмаслик керакки, авваллари устама мукофотлар олиб келган илғор колхозлар жуда ҳам кўп даромад олар эдилар. Буни нормал бир ҳол деб ҳисоблаб бўлмайди, албатта. Нарх белгилашда тартиб ўрнатиши ва меҳнатга ҳақ тўлашда янада адолатли шарт-шароит вужудга келтириши лозим бўлган тадбирларни колхозчилар тўғри тушуниб олишларига шубҳаланмаса ҳам бўлади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашнинг яни шартларига ва ягона нархларга ўтиш миллионларча колхозчиларнинг манфаатларини ифода этади ва бу чора мамлакатнинг қишлоқ хўжалигини юксалтиришга қаратилгандир.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ягона тайёрлаш нархларининг белгиланиши социалистик ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ходимларнинг моддий манфаатдорлиги принципидан фойдаланишга яна ҳам маҳкам таяниш имконини беради. Бу принципни ҳеч мустасносиз барча колхозларга ёйиш керак.

Бу тадбирларни амалга оширган пайтда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ижтимоий меҳнатнинг ҳозирги тақсимотини, турли районлар ва республикаларда меҳнатнинг ихтисослаштирилишини тўғри ҳисобга олиш керак. Бу тадбирлар моддий жиҳатдан рағбатлантириш принципидан янада тўлароқ фойдаланиш, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини тезроқ ривожлантириш, барча районлар, барча республикалар меҳнаткашларининг умумий кучи билан деҳқончилик ҳамда чорвачиликни янада юксалтириш учун кураш олиб бориш имконини беради. Хўжалик қурилиши планларини амалга оширишда ленинча миллий сиёсатни изчиллик билан ўтказиш социалистик Ватаннинг қудратини ўстиришдан, барча меҳнаткашларнинг фаровонлигини оширишдан астойдил манфаатдор бўлган мамлакатимиздаги барча халқларнинг қардошларча дўстлигини янада мустаҳкамлайди.

Халқ хўжалигига раҳбарлик қилиш биздан социалистик системанинг барча афзалликларидан моҳирлик билан, ижодий фойдаланишни талаб этади. Биз, совет жамиятининг экономикаси барқ уриб ўсаётган бир даврда яшамоқдамиз. Бундай шароитда тўғри йўл танлай билиш, бўлаётган барча процессларни реал ҳисобга олиш, етилган масалаларни ўз вақтида ҳал этиш керак.

Партиямиз амалга ошираётган тадбирлар коммунистик қурилишнинг етилган масалаларига жавоб беришгина қолмай, балки келажак учун перспектива ҳам очиб беради, янгиликка, тараққиётга йўл ҳам очиб беради. Шу сабабли Коммунистик партиянинг сиёсати бундан буён ҳам социалистик жамиятнинг объектив қонуниятларидан эпчиллик билан ва тўлароқ фойдаланишга қаратилиши лозим. Бунда гап шу тўғрида борадики, ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришдан қишлоқ хўжалигимизнинг барча тармоқларидаги ходимларнинг моддий манфаатдорлиги принципи кенг ва ҳар томонлама амалда бўлишига эришиш керак. Шу ҳилдаги тадбирлар қишлоқ хўжалик ходимларининг меҳнат унумдорлигини ва колхоз ишлаб чиқариши даражасини оширишга самарали таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархларининг хилма-хиллигини тугатиш ва ягона нархлар белгилаш колхозлардаги планлаштириш ишларига ҳам жуда катта таъсир кўрсатади. Ҳар бир колхоз ўз имкониятларига таяниб, ишлаб чиқаришни яхшироқ планлаштира олади. Ўз еридан, ўз техникасидан ва ўзининг меҳнат ресурсларидан самаралироқ фойдалана олади.

Марказий Комитетимиз пленуми муҳокама қилаётган тадбирларнинг иқтисодий жиҳатдан жиддий аҳамиятга эга эканлиги аёндир. Шу билан бирга масаланинг иқтисодий томони билангина чекланиб қолмаслик кераклиги уқтириб ўтиш лозим. Маълумки, экономикани социал ва сиёсий масалалардан ажратиб бўлмайди.

Ишчилар синфининг деҳқонлар билан иттифоқи тўғрисидаги масала коммунистик қурилишнинг асосий масаласи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. МТСларнинг қайта ташкил қилинганлиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш тартибининг ўзгартирилиши, маҳсулот тайёрлаш нархларидаги хилма-хилликнинг тугатилиши ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар иттифоқини янада мустаҳкамлашга, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган. Техниканинг колхозларга сотилиши, саноат товарларининг қишлоқларга кўплаб юборилаётганлиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг ортиб бораётганлиги ва шаҳарлар ҳамда саноат марказларини озиқ-овқат товарлари билан таъминлашнинг яхшиланаётганлиги — буларнинг ҳаммаси жамоат ишлаб чиқаришини ўстириш ва совет халқи фаровонлигини оширишнинг янги стимули бўлади.

III.

Колхозларга, РТСларга ва совхозларга техникани сотиш ҳамда қишлоқ хўжалик машиналари, ёнилғи, асбоб-ускуналар, минерал ўғитлар ва бошқа саноат буюмларининг нархлари тўғрисида

Ўртоқлар! Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш шартлари ўзгартирилиши ва ягона нархлар белгиланиши муносабати билан колхозлар, ремонт-техника станцияларига ва совхозларга техникани сотиш ишини ҳам тартибга солиш зарур. Ҳозирги вақтда бир хил машинанинг, запас қисмлар ҳамда қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган бошқа материаллар ва товарларнинг ўзи жуда хилма-хил нархлар билан сотилмоқда. Жумладан, ёнилги иккч хил нарх билан: саноат корхоналари, совхозлар ва МТСлар учун ўлгуржи баҳо деб айтилган нарх билан ҳамда колхозлар учун давлат чакана нархи билан сотилмоқда.

Машина-трактор станцияларини қайта ташкил этиш масаласини ҳал қилиш билан колхозларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, колхоз-кооператив мулкини умумхалқ мулкига яқинлаштириш томон ривожлантириш ишида олга қараб катта қадам қўйдик.

Лекин бу тадбир янги шароитда колхозлар экономикасининг ривожланиш масаласини синчиклаб ва ҳар томонлама ўрганишни талаб қилади, чунки эндиликда колхозлар тракторларни, комбайнларни ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини сотиб олиш имкониятига эга бўлиб қолдилар. Биз шу билан ҳисоблашмоғимиз керакки, эндиликда колхозлар саноат ишлаб чиқараётган қишлоқ хўжалик машиналарининг катта қисми учун асосий истеъмолчи бўлиб қолдилар. Улар запас қисмларни, ёнилғини, минерал ўғитларни, ускуналарни ҳамда колхоз жамоат ишлаб чиқаришини ривожлантирмоқ учун зарур бўлган бошқа саноат молларини ҳам кўп миқдорда сотиб ола берадилар.

Қишлоқ хўжалик машиналарини, ёнилғини ва бошқа буюмларни колхозларга сотиш учун ҳалдан ташқари ошиқ нархлар кўйиш практикасини ўзгартириш керак. Колхозларга машиналарни, техникани, ёнилғини баландроқ чакана нархлар билан сотишдан иборат бўлган ва илгари давом қилиб келган практика аслини олганда колхозларга томмаънолари социалистик корхоналар эмас, деб нотўғри қарашнинг қолдиғидан бошқа бир нарса эмас. Бизда колхозларга совет организмидати ёт бир нарса деб қараб келган айрим ходимлар бор эди. Партия бундай қараш ларни ленинизмга зид қарашлар деб қоралади.

КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисидаги қарорларида хозирги босқичда колхозлар экономикасида тубли сифат ўзгаришлари рўй берганлиги, бу ўзгаришлар колхозларнинг коммунистик қурилишнинг улуғ планларини бажаришда муҳим роль ўйнаётган тўла қимматли социалистик корхоналар бўлиб қолганлигини кўрсатаётганлиги уқтириб ўтилди.

Ҳозирги шароитда машиналарга, ускуналарга, ёнилғига, минерал ўғитларга ягона ва тўғри нархлар кўйиб, социалистик корхоналар бўлган колхозларга нисбатан адолатли тиклаш, колхозларда техникани сотиб олиш учун молиий манфаатдорликни вужудга келтириш жуда муҳимдир. Бизнинг иқтисодий сиёсатимиз шундай йўл билан бориши лозимки, бунинг натижасида колхозлар техникани тараққий эттириш учун хорижий-толмай курашадиган бўлсинлар, эски техникани такомиллашган янги техника билан алмаштириб турадиган бўлсинлар, чунки мана шу йўллан борганлигина асосий вазифани — қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулотнинг ҳар центнерини етиштириш учун бўладиган сарфларни камайтириш вазифасини ҳал қилишимиз мумкин.

Ҳозирги вақтда бу масалалар ҳаммани айниқса кўпроқ қизиқтирмоқда, чунки, машиналар ва саноат ишлаб чиқараётган бошқа буюмлар колхозлар экономикасида илгари вақтдагига қараганда, яъни колхозларга тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари сотилмаган, колхоз ишлаб чиқаришига МТС техникаси билан хизмат кўрсатилиб келган вақтдагига қараганда бенихоя қатта салмоққа эга бўла беради. Қишлоқ хўжалик машиналарига баланд чакана нархлар кўйилганлиги масаласи илгари колхозлар учун жуда зарур аҳамиятга эга бўлмаган бўлса, колхозлар ҳамма машиналарни сотиб олаётган ҳозирги вақтда аҳвол бутунлай ўзгаради. Машиналарнинг баланд чакана нархларини сақлаб қолиш колхозлар экономикасига ёмон таъсир қилиши мумкин, қишлоқ хўжалигида янги техникани жорий қилишга тўсиқ бўлиб қолиши мумкин.

Аммо бу гаплардан давлат колхозларга қишлоқ хўжалик техникасини, бу техникани таннархидан паст баҳо билан, яъни зарарига сота бериш керак, деган маъно асло келиб чиқмайди. Техникани у ёки бу машинани ишлаб чиқариш таннархинигина эмас, шу билан бирга саноатимизни янада такомиллаштирмоқ учун, замонавий янги техника ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқ учун кенгайтирилган социалистик такрор ишлаб чиқаришга керакли жамғармалар тўплаш зарурлигини ҳам ҳисобга олиб, белгиланган нархлар билан сотиш керак. Колхозчилар ҳам буни ҳеч шубҳасиз тўғри тушуниб олдилар.

Қишлоқ хўжалик машиналарига ва бошқа саноат буюмларига ягона давлат нархлари белгилаш масаласини кўйиш планлаштирувчи ва хўжалик органларимизни, саноат корхоналарининг раҳбарларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантирмоқ учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик машиналарининг ва бошқа буюмларнинг таннархини камайтириш ва сифатини яхшилаш учун тагин ҳам кўпроқ куч билан курашишга мажбур қилади.

Автомашиналар, тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналарининг, шулар учун керакли запас қисмларнинг нархлари масаласини ҳам ўйлаб кўриш ва ҳал қилиш керак бўлади. Буларни ҳам колхозларга, шунингдек давлат корхоналарига ва ташкилотларига ягона давлат нархлари билан сотиш керак.

Нефть маҳсулотларини (автобензинлар бошқасини) қишлоқ хўжалигига ҳозирги вақтда саноат корхоналари, МТСлар ва совхозлар учун амалда бўлган улгуржи нархлар билан сотиш, автобензинни эса ҳар қайси зонада давлат қишлоқ хўжалик корхоналарига ҳам, шунингдек колхозларга ҳам ягона чакана нархлар билан сотиш максадга мувофиқ бўлур эди.

Колхозларда тайёрланадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун зоналар бўйича табақалаштирилган ягона нархлар белгиланаётган ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига зарур бўлган асосий саноат молларига ҳам ягона нархлар кўйишимиз учун объектив имконият пайдо бўлди.

Қишлоқ хўжалик машиналарига, юк автомобилларига, уларнинг запас қисмларига ,нефть маҳсулотларига, минерал ўғитларга ва концентрат озуқаларга ягона нархлар кўйиш зарурлигининг яна бир сабаби шуки, совхозлар ва ремонт-техника станцияларининг, шунингдек колхозларнинг саноат билан ўзаро муносабатларида баббаравар иқтисодий шарт-шароит бўлиши керак. Бунинг учун давлат бюджетидан кўшимча харажатлар бўлмайди ва айни вақтда саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасидаги ўзаро муносабатларни соддалаштиради, планлаштиришни ва савдо қилишни соддалаштиради ҳамда товар ўтказувчи шохобчаларимизнинг ториклик мураккаб бўлмаслигини, содда бўлишини, оммавий-контроль остига бемалол олинишини ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг талабларини тагин ҳам тўлароқ қондиришини таъминлайдиган воситаларни ишлаб чиқишимизга имкон беради.

IV.

Тайёрлаш органларининг иши тўғрисида

Ўртоқлар! Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш тартиби ўзгартирилиши муносабати билан тайёрлаш органларининг ишларини жиддий равишда яхшилашимиз лозим.

Тайёрлаш формаларининг кўплиги, топширилаётган маҳсулотнинг у ёки бу жиҳатини ҳисобга олиб, ҳақиқий миқдорини камайтириб юбориш ва бир маҳсулотни иккинчиси билан алмаштириш практикаси кенгайиб кетганлиги, бир хил маҳсулотнинг ўзига хилма-хил нарх кўйилганлиги маҳсулот топширувчилар билан ҳисоб-китоб қилиш ва маҳсулотларни ҳисобга олиш системасини мураккаблаштириб юборди. Тайёрлаш органларининг аппарати жуда катталашиб кетди. Давлат бу аппаратни сақлаш учун катта харажатлар қилишга мажбур бўлиб қолди. Кейинги йилларда тайёрлаш аппаратини ихчамлаштириш ва қисқартиш ишлари амалга оширилган бўлса ҳам, лекин бу иш охиригача етказилмади. Тайёрловчилар хали ҳам жуда кўп ва давлатнинг тайёрлаш учун қилаётган харажатлари хали ҳам гоят катта.

Тайёрлаш ишларини ташкил этишда ҳали ҳам кўпгина камчиликларимиз бор. Бунинг натижасида кўпинча ишга идоравий нуктаий назардан, бюрократларча қараш ҳоллари содир бўлмоқда. Собиқ Гўшт ва сут саноати министрлиги жуда катта гўшт комбинатлари қуришга ҳаракат қилиб келди. Аммо районларда эса чорва молларини қабул қилиш билан яхши базалари ва мол сўйидиган пунктлари бўлмаган заготскот конторалари шуғулланиб келди. Улар қабул қилиб олинган чорва молни бир амал-тақал қилиб ушлаб туриб, узоқ масофаларлаги гўшт комбинатларига хайлаб олиб кетар эдилар. Бу моллар йўлда, озиб кетар эди, шунинг натижасида давлат кўпгина гўшт маҳсулотини кам оларди.

Мисол учун Қозоғистон областларидан бири бўлган Семипалатинск областини олиб кўрайлик. Бу областда беш областга хизмат қиладиган гўшт комбинати қурилган. Бу гўшт комбинатига Олтой ўлкасидан, Толлиқўрғон, Шарқий Қозоғистон, Павлодар областларидан чорва молларни бир қанча юз километр йўл бостириб ҳайдаб келадилар. Бу комбинат бир сменада 1000 бош қорамолни, 7 минг бош қўйни, 800 чўчқани, 2 минг паррандани сўйиб, саранжомлаб бера олади. Аммо ўтган йил бу гўшт комбинати ўз қувватининг атиги 45 процентига етарлик иш билан таъминланди.

Америкадаги гўшт комбинатларига ўхшаб катта гўшт комбинатлари қуришга берилиб кетиш ҳоллари рўй берди, бу эса халқ хўжалигига зарар етказди. Бу масалага жиддий қараш ва уни тўғри

МАМЛАКАТГА 500 МИНГ ТОННА ПАХТА БЕРАМИЗ!

Пахтакорларга маданий-маиший хизматни янада яхшилаб, ғўза парваришида меҳнат унумини кескин оширайлик!

☆ ☆ ☆

Ғўза парваришининг боришини текширамиз

Оржоникидзе районида ёш ғўза кўп, унинг парваришини ҳар тарафлама кучайтириш керак

Чигит экилаётган кунларда обҳаво ноқулай келиб иш бирмунча мураккаблашди. Колхозчилар, механизаторлар ўша пайтдаги қийинчиликни бардош билан енгдилар, чигитни тезроқ ва яхши ишланган ерга экиб олдилар. Барча майдонларда чигит текис униб чиқаётган кезларда ҳаво ўзгариб кучли ёмғир ёғди, у дўлга айланиб, колхозларнинг бир қанча ердаги ёш ғўзасини дўл уриб кетди. Шунда ҳам ҳеч ким саросимага тушмади, дўл урган ерларга шундай тезлик билан чигит экилдики, бундай суръатни чигит экиш кунларида кўрилмаган эди.

Аммо, дўл урган ерларга экилган чигит тез униб чиққан бўлса ҳам, бирок бу ерлардаги ғўза анча ёш бўлиб қолди. Деҳқон «экин кун санайди» дейди. Шу саноққа келганда апрель ойида экилган чигит билан май ойи бошларида экилган чигит ғўзаси ўртаcида ёш жиҳатидан 5 — 10, ҳатто 15 кун фарқ қилиб қолаётир.

Кейинги кунларда мусобақадош колхозлар ўзаро текшириш ўтказиб, йўл қўйилган айрим хато ва камчиликларни шу жойнинг ўзида дўстона чиқиб ташламоқдалар ва ўз мусобақадошларига фойдали маслаҳатлар бераётирлар. Мусобақадош Киров номли колхозидан келган ўртоқлар «Қизил Ўзбекистон» колхозининг далаларини бирма-бир кўздан кечириб чиқдилар. Улар бу юқори ҳосилли колхознинг айрим бригадаларидаги карталарда ғўзани ўт босиб кетганлиги, баъзи бир жойларда чопиқ ва культивациянинг сифатсиз ўтказилаётганлиги, қисман жойларда тўла гектар учун чинакамига курашилмаётганлигини рўй-рост айтдилар. «Қизил Ўзбекистон» колхозининг пахтакорлари бу дўстона маслаҳатни тўла қониқиш билан маъқулладилар. Ҳозирги пайтда улар мусобақадошлар аниқлаган ва кўрсатиб берган камчиликларни 2—3 кунда тугатиш, ғўзанинг кечикишини йўқотиш, шундай қилиб барча майдонда, ҳар бир туп ғўзада социалистик мажбуриятга яраша ҳосил етиштиришга ҳамма куч, техникаларини тўла сафарбар этдилар.

«Ленинград» колхозидан келган мусобақадошлар Сталин номли колхоз далаларида бўлганларида бу донгдор қишлоқ хўжалик артелининг кўпгина бригадаларида иш пиҳоятда сифатсиз эканлигини қайд қилган эдилар. Биз Ориф Бобокалонов, Ўғилой Норматова ўртоқлар бошлиқ юқори ҳосилли бригадалар даласида бўлдик. Шунда «Ленинград» колхозидан келган мусобақадошларнинг фикрига тўла қўшилдик. Чунки, кўп йиллардан бери пахтадан мўл ҳосил олишда донг чиқариб келган ва бу йил ҳар гектар ердан 40—45 центнердан ҳосил олиш учун курашаётган ана шу бригадаларда чопиқ ҳам, культивация ҳам жуда саёз ўтказилган. Дала шийпонининг ёнгинасидаги пайкални текшириб кўрганимизда қаторлар 5—6 сантиметр чуқурликда, 15 — 18 сантиметр кенгликда культивация қилинганлигини кўриб ачиндик. Шунда бригадирдан нима учун ишнинг сифатсиз бажарилганлиги сабабини сўраганимизда ундан олдин колхоз раиси Ориф Афзалов жавоб беришга ҳаракат қилди:

— Бу йил ёғингарчилик жуда кўп бўлди, ундан кейин ҳаво қизиб кетиб, ерни сопол қилиб ташлади. Шу ерларда культиваторнинг иш органлари синиб кетаётир, сугорсак сув сиғмайди...

Ўртоқ Ориф Афзаловнинг бу жавоби бизни қаноатлантирмади, бригада бошлиғи раиснинг ана шу тутуриқсиз сўзидан ўялди шекилли, эгат оралаб нарироққа юриб кетди.

Бизга бу ғўзалар бригаданинг энг паст ғўзаси, яхшиси нариги пайкалда дейишди. Ўша ерга бордик. Ҳақиқатан катта бир пайкалдаги ғўза жуда яхши ўсяпти, жуда яхши ривожланаяпти. Шу далада механизация ёрдамида ягана қилинган экан. Афтидан, шундан кейин ғўза кўндалангига ишланмаган бўлса керак, квадратлар бир-бирига киришиб кетган, яъни букетлаш сифатсиз ўтказилган. Бунинг устига далада гумай, печак ва бошқа бегона ўтлар жуда кўп ўсиб ётибди, ҳатто печак гуллаб кетибди. Бунинг устига шу бригадада ёш ғўза кўп. Колхоз раҳбарлари шу ёш ғўзаларни яхши ғўзага тезроқ етказиб олиш тадбирларини кўришлари керак.

Ориф Бобокалонов бошлиқ бригада даласида бутунлай бошқача жуда ачинарли аҳволни кўрдик. Бу бригаданинг 20 гектарга яқин ердаги ғўзаси шу пайттача бир марта ҳам суғорилмаган, метиндек қотиб кетган ерда сифатсиз культивация ўтказилган, далани ўт босиб ётибди.

Сталин номли колхозда тракторларнинг иш унуми пастлиги устига унинг сифати ҳам талабга жавоб бермайди. РТС шу колхоз қишлоғига жойлашган бўлишига қарамай, унинг раҳбарлари ҳеч қандай ёрдам кўрсатмаётирлар. Колхоз бирор нарса сўраб мурожаат қилиб келса, «у нарса бизда йўқ, трактор сотиб олганларингиздан кейин буёғини ҳам ўзларингиз тўғрилангилар-да», деб ғўза парваришини даврида дала ишлари суръатининг пасайиб кетишига ва сифатнинг ёмонлашишига сабаб бўлмоқдалар.

Колхоз партия ташкилотининг секретари Ойтўраев, агроном Кенжа Худойберганов ўртоқлар 50 процентга яқин ердаги ғўза ёш бўлишига, аввалги йиллардагига қараганда ўсиш ва ривожланишдан анча орқада қолаётганига қарамай, ўзларига берилган топшириқни кўнгилдагидек бажармаётирлар, бригада ва звеноларда ишнинг сифатли бўлиши устидан контроллик қилмаётирлар. Далага чиққанларида фойдали маслаҳат ва йўл-йўриқлари билан колхозчиларга кўмаклашмаётирлар. Колхоз агрономи Кенжа Худойберганов кўпинча сводка тўплаш билан ўралашиб қолмоқда. Биз айрим бригадаларда ҳар хил ўринсиз сабаблар билан дала ишларига қатнашмаётган кишилар борлигини аниқладик.

Сталин номли колхоз пахтакорлари дала ишларининг сифатли бўлишига алоҳида эътибор берганлари ҳолда ғўзанинг кечикишидаги аҳволни тугатиш учун барча тадбирларни амалга оширишлари, ишчи кучларини, техникани далага тўла сафарбар этишлари керак.

Сталин номли колхозда бўлгани сингари кўшни Хрушчев номли колхозда ҳам кўпгина майдондаги ғўзани дўл урган эди. Бу ерда аҳвол тўғри ҳисобга олиниб, дарҳол шошилинч чора кўрилган ва ҳозирги пайтда ҳар бир киши далага чиқиб ёш ғўзаларни қунт билан ва сифатли парвариш қилаётир. Биз Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўхта Абдуллаева бошлиқ бригадада бўлдик. Шу ерда айрим универсалчиларнинг сифатсиз иш бажарганликлари ва текшириш натижасида ана шу далалардаги ғўза қайтадан культивация қилдирилганлиги ҳақида гапириб беришди. Бундан бир ҳафтача илгари Ҳаким Айметов бригаданинг бир ярим гектар ердаги ғўзасини жуда саёз, қатор оралари жуда тор культивация қилган экан. Бригада бошлиғи Тўхта Абдуллаева бу далани шахсан ўзи текшириб қабул қилиб олаётганда универсалчини чақириб, ишнинг сифатсизлигини кўрсатган ва қайтадан культивация қилиб чиқишга буюрган. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти бу хабарни бошқа бригада ва звеноларга ҳам етказган. Шундан кейин ҳар бир универсалчи масъулиятни сезиб, мўл ҳосилнинг тақдири учун шахсан жавобгарликни англаган ҳолда культивацияни сифатли ўтказаётир.

Қани энди шу тадбир Сталин номли колхозда ҳам қўлланилганда эди, Ўғилой Норматова, Ориф Бобокалонов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда иш бунчалик сифатсиз бажарилмаган бўларди.

Хрушчев номли колхозда ҳам унча-мунча камчиликларни аниқладик. Масалан, ўртоқ Рихсибой Қорабоев бошлиқ бригаданинг йўл ёқасидаги пайкалида сувчининг масъулиятсизлиги туфайли картанинг этак томонларида суғ қуллаган ва кўчага тошиб кетган. Бундан ташқари бригаданинг дала шийпони талабга мутлақо жавоб бермайди. Бригада бошлиғи Рихсибой Қорабоев ваҳлабозлардан экан. Ундан нимани сўрасак, «бажарамиз, бугунок тўғрилаймиз, икки кундан кейин келиб кўринглар, қойил-мақом қилиб қўямиз», дейди. Ваҳоланки, у шу пайтгача карта чеккаларига, ўқ ариқлар бўйига чигит экилмаганлигини, далаларнинг этак томонларида 2—3 метрлаб жойдаги ғўза парваришдан қолаётганлигини, бунинг учун конкрет нима қилмоқчи эканлигини билмайди.

Хрушчев номли колхоз пахтакорлари гектаридан 43 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Бу жуда катта ва масъулиятли вазифа. Уни бажариш Хрушчев номли колхоз пахтакорлари ва механизаторлари қўлидан келади. Бунинг учун ёш ғўзаларни алоҳида парвариш қилиш йўли билан ҳамма майдондаги ғўзаларни мўл ҳосилли қилиб ривожлантириш зарур.

Охунбобоев номли колхозни райондаги камқувват хўжаликлардан деб ҳисоблашади. Лекин бу нотўғри тушунча. Чунки шу колхоз ҳар гектар ердан 30 центнердан ошириб ҳосил етиштириш мажбуриятини олган. Колхоз раҳбарлари бизнинг хўжалигимиз камқувват деб, уни илғорларга етказиб олиш учун ўзларининг бор кучларини тўла сафарбар этмаётирлар. Колхоз қишлоғини айланганимизда далага чиқмай, ўз томорқасида ишлаётган одамларни кўплаб кўрдик. Колхоз правлениеси колхозчилар билан ўтган йилги ҳисоб-китобни ҳалигача тугалламаган. Пул ва ғалла авансларини вақти-вақтида бериб турилмайди. Оқибатда ишнинг суръати паст, сифати ёмон.

Оржоникидзе район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари райондаги кўпгина ерларда ғўза аввалги йиллардагига қараганда анча ёшлигини яхши биладилар. Ҳаракатни шунга яраша кучайтириш, даставвал ўтиладиган ва суғоришни намунали йўлга қўйиш, чопиқ ва культивациянинг сифатли бўлишига алоҳида эътибор бериш керак. Шунда район пахтакорлари 23 минг 200 тонна пахта етиштириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарадилар.

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг рейд бригадаси:

М. ЭГАМБЕРДИЕВ,
область партия комитети қишлоқ хўжалик бўлими мудирининг ўринбосари.

А. КОЛГИНА,
область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош агрономи.

В. ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумининг директори.

С. МАҲКАМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг ўртоқ Н. Мирзаев бошлиқ бригада аъзолари 110 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан пахта етиштириш учун курашмоқдалар. Бригаданинг тюпкочи универсалчиси ўртоқ Икром Абдиев ўз агрегатидан унумли фойдаланиб, ғўзани икки томонлама парвариш қилиш ишини сифатли бажараётир. **Суратда:** колхоз раиси **Усмонов**, бош агроном **Қўчқоров**, партия ташкилотининг секретари **Мирсолиҳов** ўртоқлар **Абдиев** культивация қилган ерларда ишнинг сифатини текшириб кўрмоқдалар.

АГРАНОМ МАСЛАҲАТИ

Ўргимчакканага қарши кураш тадбирларини ўз вақтида амалга оширайлик

Текширишлар кўпгина майдонлардаги ғўзаларга ўргимчаккана тарқалганлигини кўрсатмоқда. Мўл ҳосил етиштириш учун астойдил бел боғлаган илғор хўжаликлар ўргимчаккана тушган карталарни дарҳол аниқлаб, унга қарши кураш тадбирларини амалга оширмоқдалар. Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз бунга мисол бўлаолади. Колхозда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш ҳар томонлама яхши йўлга қўйилган. 6 ОУН — 4-6 аппарати ва бошқа қўл аппаратлари ёрдамида ўргимчаккана билан зарарланган ғўзалар агротехника қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда дориланаётир. Колхоз правлениеси бу иш учун ҳар куни 180 — 200 киши ажратади. ОУН — 4-6 аппаратлари билан дори сепаётган тракторчилардан Абдуқодиров ва Абдураимов ўртоқлар кунлик нормаларини ошириб бажармоқдалар.

Лекин кўпгина колхозларда ғўзани қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан ҳимоя қилишга етарли эътибор берилмаётир. Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхоз (раиси Раҳмонов, агрономи Исроилов ўртоқлар)да 300 гектардан ортиқ майдондаги ғўзага ўргимчаккана тушган. Бироқ бу аҳвол колхоз раҳбарларини ташвишлантирмаётир. Ўргимчаккана тобора кўпайиб, ғўзаларни эзиб қўяётганлигига қарамай, унга қарши кураш чоралари амалга оширилмаётир. Райондаги Сталин номли колхозда ҳам аҳвол ана шундай. Колхоз агрономи ўртоқ Нуриддиновдан ишлар қандай кетяпти, сизларда ўргимчаккана йўқми, деб сўрасангиз, у ҳеч бир ўйламасдан, ишимиз дуруст, бирон гектар ердаги ғўзамизда ҳам ўргимчаккана йўқ, деб жавоб беради. Колхоз далаларини айланиб чиқсангиз, агрономнинг гапи ёлғон эканлигини — юзлаб гектар ердаги ғўзалар ўргимчаккана билан зарарланганлигини кўриб ачинасиз.

Район қишлоқ хўжалик инспекциясининг бошлиғи Валиев, агрономи Пак ва РТС нинг агрономи энтимологи Стойганов ўртоқлар ҳам колхозларда ўргимчаккана билан зарарланган ғўзалар агротехника қоидаларига қатъий риоя қилишга бефарқ қарамоқдалар, ҳақиқий аҳволдан бехабарлар. Ваҳоланки, районда ҳозирги пайтда 2000 гектар ердаги ғўзага ўргимчаккана тушган, олинган мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайдиган даражада ҳосил етиштириш хавф остида қолмоқда. Бўка районидаги колхозларда ҳам худди ана шундай аҳвол юз бермоқда.

Бу йилги об-ҳаво шароити ўргимчакананинг кўплаб тарқалишига имкон бермоқда. Шунинг учун ҳам ўргимчаккана қарши кураш ишини асло сусайтирмаслик, бу ҳашарот билан зарарланган майдонлар дарҳол аниқланиб, препаратлар билан дориланиши керак. Негаки, ўргимчаккана тез кўпаювчи зараркунандалардан ҳисобланади. Барча колхоз ва совхозларда ўргимчаккана қарши кураш ишини кучайтириб юборайлик.

С. БОНДАРЕНКО,
агроном-энтимолог.

Ғўзани суғорадиган ёмғир ёғдирувчи агрегат

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академиясига қарашли илмий-текшириш ташкилотлари ғўзани суғоралиган ёмғир ёғдирувчи ҳар хил типдаги установкаларни синовдан ўтказдилар. Шулар ичида Бутуниттифоқ гидротехника ва мелиорация илмий-текшириш институтида яратилган механизм энг эффектли бўлиб чиқди. «ДДА-100 М» маркали ёмғирни узоққа ёғдирувчи модернизация қилинган бу агрегат сунъий ёмғирни 100 метрдан ортиқ масофага узатиши ва бир мавсумда икки минг гектаргача майдонни суғориши мумкин. Янги ёмғир ёғдирувчи установкани бир тракторчи сувчи бошқаради. Бу механизм ернинг аҳволига қараб, пахта майдонини табақалаб суғориши мумкин. Бу эса ўсимликнинг яхши ривожланиши ва ҳосил тўпланишига ижобий таъсир қилади. Ўзбекистон ёмғир ёғдириш илмий-текшириш станцияси ўтган йили «ДДА-100 М» агрегатини қўллаб пахта майдонининг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил олган эди. Бинобарин ҳамма ҳосил совуқ тушгунича териб олинган. Сунъий ёмғир ёғдириш усулини қўлланиш иқтисодий жиҳатдан ҳам фойдали. Жумладан, бундай усул қўлланганда майда суғориш шохобчаларига ва каналларни тозалашга эҳтиёж бўлмайди. Яна шуни ҳам айтиш керакки, бу усул қўлланганда ғўзани ариқ орқали суғорилгандагига қараганда ўртача норманинг ярмисича сув кам сарфланади. Бу эса ерларни ботқоқ ва шўрхок бўлишдан сақлайди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлар академияси сув ва мелиорация хўжалиги бўлими советида такомиллашган ёмғир ёғдирувчи агрегатни оммавий равишда ишлаб чиқаришга тавсия этиш мумкин деган қарорга келинди. (ЎзТАГ).

Ўрнак олса арзийди

Шу кунларда Ўрта Чирчиқ районидаги Киров номли совхоз раҳбарларидан ғўза парваришида қайси бригада энг олдинда боряпти, қайси бригаданинг ғўзаси яхши ривожланяпти, деб сўрасангиз, биринчи бўлимдаги ўртоқ Насиба Аҳатова бошлиқ бригада тўғрисида ҳикоя қиладилар. Чиндан ҳам ана шундай. Коммунист бошлиқ бригада аъзолари бу йил 67 гектар ердаги ғўзани квадрат-уялаб парвариш қилмоқдалар. Ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни ўтган йилдагига нисбатан 2-3 центнерданга оширишни мақсад қилган бригада ишчилари шу кунгача барча майдонлардаги ғўзаларни икки марта узунасига ва кўндалангига культивациядан чиқардилар. Минерал ва маҳаллий ўғит аралаштирилиб озиқлантирилган ғўзалар яшнаб кетди, ҳар туп ғўзада 3-4 тадан шона бор.

Бригада ишчилари шу кеча-кундузда ғўзаларни қондириб суғориш мўл ҳосил гарови эканлигини яхши биладилар. Шунинг учун ҳам тажрибали сувчилар карталарга кечаси жилдиратиб сув тарамоқдалар. Совхознинг бошқа бригадалари коммунист ўртоқ Насиба Аҳатова бошлиқ бригада аъзолари ишидан намуна олсалар арзийди.

Т. ОРИПОВ.

Ўз касбларининг моҳир эгалари

Ўртоқ Аҳмад Музаффаров бошлиқ бригада аъзолари ўзаро социалистик мусобақа ғолиблари ҳисобланадилар. Улар техникадан, ишчи кучларидан тўла ва унумли фойдаланиб, ғўза парваришида яхши натижаларга эришаётирлар. Бу соҳада айниқса моҳир механизаторларнинг хизмати тақдирга сазовор. Акром Мусаев, Ж. Қурбонов ўртоқлар бригаданинг барча майдондаги ғўзаларини сифатли культивация қилмоқдалар.

Шу кунгача 103 гектар пахта майдонидаги ғўзалар икки марта узунасига ва кўндалангига парвариш қилиниб, учинчи культивация бошлаб юборилди. Бригада аъзолари ишни тез ва сифатли бажараётган механизаторлардан тексиз миннатдорлар.

— Бу йил ҳар гектар ердан 25 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун курашяпмиз, — дейди бригада бошлиғи ўртоқ Аҳмад Музаффаров, — бу курашимизда икки механизаторнинг ҳиссаси катта.

Шу кеча-кундузда бригада пахта далаларида бўлган киши бир текис шонага кирган ғўзаларни кўриб хурсанд бўлади.

Д. ХОЛМАТОВ.
Ўртасарой районидаги Сталин номли колхоз.

Ўзбекистон ССР статистика бошқармасининг АХБОРОТИ

Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС XX съезди қарорларини ҳамда КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумларининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни янада юксалтиришга қаратилган қарорларини амалга ошира бориб, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда янги муваффақиятларга эришдилар.

15 июндаги маълумотларга кўра республикада қорақўл тери тайёрлаш бўйича 1958 йилга белгиланган план ошириб бажарилди, гўшт, сут, тухум, жун, йирик мол ва чўчқа териси ҳамда мўйна тайёрлаш ярим йиллик плани ошириб бажарилди.

1957 йилнинг шу давридагига нисбатан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва закупка қилиш ҳажми: гўшт, тирик вазни ҳисобида 3 минг тонна, жун — 19,647 центнер, тухум — 3,3 миллион дона ва пилла — 4,4 минг тонна ошди.

Бу соҳада Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Фарғона, Самарқанд областлари талайгина муваффақиятларга эришдилар, шу билан бирга Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССР сут ҳамда жун тайёрлаш ярим йиллик планларини ҳалигача бажарганлари йўқ.

Тайёрлаш планларини бажаришда қуйидаги районлар, чунончи гўшт тайёрлашда Паркент, Бўка, Ўзбекистон, Пахтаобод, Янгиқўрғон ва Ўргут районлари; сут тайёрлашда Боёвут, Бекобод, Хўжайли, Қораўзак ва Куйбишев районлари; жун тайёрлашда Бойсун, Шовот, Хева ва Қораўзак районлари айниқса орқада қолмоқдалар.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш давом этмоқда.

УЗБЕКИСТОН ССР СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

СССР ҲУКУМАТИНИНГ ДАНИЯ ҲУКУМАТИГА НОРОЗИЛИГИ

СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико 19 июнда Данияниинг Москвадаги элчиси А. Меркин ўз ҳузурига таклиф килди ва унга куйидаги баёнотни берди:

Бир группа ирвогарлар ва безорилар 17 июнда СССРнинг Копенгагендаги элчихонаси биноси олдида Совет Иттифоқига қарши душманлик намойиши ўтказганлар. Бу намойиш вақтида унинг қатнашчилари Совет Иттифоқи ва СССРнинг Копенгагендаги элчихонаси шаънига душманлик рухидаги ва ҳакорат қилувчи сўзларнинг айтилишига йўл қўйганлар. Бунинг устига, намойишчилар Дания маъмурларининг ва Дания полициясининг ҳеч қандай қарши ҳаракатларига луч келмай, ўз кучларини ишга солишдан ҳам қайтмаганлар ва элчихона биносидаги дераза ойналарини уриб синдирганлар.

Совет элчихонасига карши ирвогарлик тайёрланганлигидан Дания расмий маъмурларининг бехабар бўлишлари мумкин эмас эди, чунки Данияда чиқадиган бир канча газеталар душманлик рухидаги бу ирвогарликнинг тайёрланаётганлиги ҳақидаги хабарларни олдиндан босиб чиқарган эдилар. Совет элчихонаси эса элчихона биноси олдида бир гурух шубҳали шахсларнинг пайто бўлганлиги тўғрисида ҳамда элчихонага нисбатан ана шу душманлик ҳаракатларининг тайёрланаётганлиги ҳақида Дания ташқи ишлар министрлигини телефон орқали дарҳол огоҳлантирган эди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, элчихона биноси олдига келган полициячилар намойишчиларнинг ирвогарлик ҳаракатларига аслда тўсқинлик қилмадилар, намойишчилар бемалол ва амалда полиция томонидан рағбатлантирилган ҳолда ҳаракат қилдилар.

Шундай қилиб, Дания маъмурлари Совет элчихонасига қарши қилинган бу ирвогарликнинг олдини олиш учун ва ҳатто уни тўхтатиш учун зарур чоралар кўрмаганликларини таъкидлаб ўтиш зарур. Шу билан Дания маъмурлари СССР элчихонаси учун элементар хавфсизликни таъминламадилар, қолбуки элчихонанинг хавфсизлигини таъминлаш маъмурларнинг ҳамма томонидан қабул қилинган халқаро нормаларга мувофиқ чет эл дипломатик ваколатхоналарга нисбатан бевосита бурчидир.

Шу муносабат билан Совет ҳукумати Копенгагендаги Совет элчихонасига нисбатан Дания маъмурлари томонидан йўл қўйилгани ҳолда қилинган ва бунинг устига СССР элчихонасига моддий зарар ҳам етказган ҳамда йўл қўйиб бўлмайдиган душманлик ҳаракатларига қарши Дания ҳукуматига норозилик билдирали. Совет ҳукумати шуни таъкидлайдики, Дания ташқи ишлар министрлигининг 1956 йил 14 ноябрдаги нотасида Дания маъмурлари келажакда Совет элчихонасига қарши эҳтимол тутилган душманлик ҳаракатларининг олдини олиш учун чоралар кўраги, деб айтилганлигига қарамай, Дания маъмурлари 17 июнда Даниядаги Совет элчихонасига нисбатан қилинган янги ирвогарликнинг олдини олиш учун чоралар кўрмадилар.

Совет ҳукумати Дания маъмурларининг келажакда бу хил ҳодисаларнинг такрорланишига йўл қўймайдиган таъсирли чоралар кўришларини талаб қилади.

ФРАНЦИЯДА РЕСПУБЛИКАНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

ПАРИЖ, 19 июнь. (ТАСС). Кеча Францияда бир қанча демократик ташкилотларнинг ташаббуси билан республикани ҳимоя қилиш учун миллий кураш куни ўтказилди. Матбуот хабарларига кўра, шу куни Франциянинг ҳамма қисмида демократик эркинликларни ҳимоя қилиш шиорлари остида оммавий митинг ва намойишлар ўтказилди. Лионда ўтказилган антифашист намойишларда 5 минг киши, Алес шаҳрида (Гар департаменти) 4 минг киши қатнашди. Намойиш ва митинглар Ним, Гавр, Руан, Брест, Иври, Перпиньянда ва Франциянинг бошқа шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди.

Франция Компартияси ташкилотларига фашистлар ҳужуми

ПАРИЖ, 19 июнь. (ТАСС). Франция Коммунистик партияси ташкилотларига қарши фашистлар ирвоси давом этмоқда. «Юманите» газетасининг билдиришига қараганда, кеча Аяччода юздан ортиқ фашист безори Компартиянинг маҳаллий ташкилоти биносига ҳужум қилган. Фашистлар икки соат мобайнида бинони қуршаб турганлар. Полиция фашистларга ёрдам бериб турган ва бинони мудофаа қилувчиларга қарши қурол ҳамда кўзни ёшлатадиган газларни ишлатган. Ирвогарлик мақсадида қилинган ана шу ҳужум натижасида бинога кириш йўлини ҳимоя қилган ишчилардан икки киши ярадор қилинган.

По шаҳрида ҳам (Қуйи Пиренеи департаменти) Компартия биносига ва Умумий меҳнат конфедерациясининг маҳаллий ташкилотига ҳужум қилинган.

Индонезия ҳукумат қўшинларининг исёнчиларга қарши ҳаракатлари

ЖАКАРТА, 19 июнь. (ТАСС). АНТАРА агентлиги Индонезия армиясининг вакили подполковник Пирингдининг ҳукумат қўшинлари Шимолий Сулавесида исёнчилар жойлашган Манадо шаҳрига томон тез силжиб бораётганликлари тўғрисидаги ахборотини билдиради. Ҳукумат қўшинлари 17 июнда Манадодан 16 километр масофада жойлашган аҳоли яшайдиган Касар пунктини, шунингдек Минаҳаса ярим оролининг шимолий четидаги Битунг портини ишғол қилдилар. Ҳозирги вақтда порт турли кемаларни қабул қилиб олишга тайёр бўлиб турибди.

Индонезия армияси қўмондонлигининг сўнгги ахборотига мувофиқ, ҳукумат қўшинлари Манадо шаҳридан 10 километр масофада жойлашган шаҳар аэродромини ишғол қилганлар.

Инглиз қўшинлари Кипр оролида тўпланмоқда

ПАРИЖ, 19 июнь. (ТАСС). Франция матбуоти қуйидагиларни билдиради: Англия-Америка томонидан Ливанга қарши қуролли интервенцияга кўрилаётган тайёргарликда Кипр ороли плацдарм ролини ўйнайди. «Паризьен либере» газетасининг мухбири Серж Моннье Кипр оролидан хабар қиладики, ҳозирги вақтда «орол Сувайш кампанияси давридаги сингари ғоят катта ҳарбий лагерга айлантирилмоқда». Мухбир Кипр оролига жанговор техника ва қўшинлар тушган инглиз транспорт самолетлари узлуксиз келаётганлигини кўрсатиб таъкидлайдики, ҳозирги вақтда оролда 30 мингга яқин инглиз солдати ва офицерлари тўпланган. «Бу ҳол, — деб киноя қилади Моннье, — Кипрда тартиб сақлаш лоирасидан бир мунча четга чиқиб кетилгандай бўлиб кўринади».

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия гурмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808. 136. Совет қурилиши бўлими — 136, Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 29040. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 04706. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистонв сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № Б-507.